

# ЯНГИ

Ижтимоий-сиёсий газета

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЎЗБЕКИСТОН

№ 88 (88), 2020 йил 21 май, пайшанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz\_official yuz.uz\_news



## ВАТАНИМИЗНИНГ ОЛТИН ОСТОНАСИ ТОШКЕНТ ТОБОРА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 май куни пойтахтимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида барпо этилган Адилблар хиббонига ташриф буюрди.

Бу борадаги режа 2017 йил 3 февраль кун мазкур боққа ташриф чоғида белгиланган эди. Уша йили 18 апрелда давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори қабул қилиниб, хиббоннинг мезморий-ғоявий лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ўтган вақт мобайнида кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, 8 гектардан зиёд майдонда Адилблар хиббонининг яхлит мезморий ансамбли яратилди.

Илгари бу ерда санюқлигина адилбаримизнинг ҳайкали булар ва бу гуё Алишер Навоийдан сўнг юртимиздан истеъдодли шоирлар етишиб чиқмагандай таассурот қолдирар эди.

Шу боис, Адилблар хиббонини ғоявий-бадий жиҳатдан янада бойитиш мақсадида Бобур, Огаҳий, Бердак, Муқимий, Фуқрат, Бехбудий, Авлоний, Чўлпон, Қодирий, Т.Қайипбергенов, И.Юсупов, А.Файзберг сингари атоқли номандалар хотирасига бағишланган янги ёдгорлик мажмуалари ҳам яратилди.

Хазрат Навоий бобоимизнинг мухташам ҳайкали атрофида 20 дан зиёд атоқли шоир ва адилбарнинг ҳайкаллари яхлит мезморий ва бадий композицияда, манتيқий ечим асосида жойлаштирилди. Шу ерда Ёзувчилар уюшмаси учун бино барпо этилгани ҳам ҳаммадан қасб этди.

Давлатимиз раҳбари Алишер Навоий ҳайкали пойга гул қўйди. Хиббонда амалга оширилган ишлар ва яратилган шариоитларни кўздан кечирди.

Ёзувчи ва шоирлар, зиёлилар билан учрашувда миллий адабиётимизни ривожлантиришга қаратилган эътибор, галдаги муҳим вазифалар ҳақида сўз борди.

— Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавияти кўзгуси. Бугунги мураккаб замонада одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак. Аждодлар меросини ўрганиш, бой маданиятимизга ҳумосиб буюк адабиёт яратиш учун ҳамма шариоитларни ҳозирлаймиш, — деди Шавкат Мирзиёев.

Юртимизда иждоқорларнинг асарлари доимий равишда чоп этиляпти. Энди уларни дунёга олиб чиқиш кераклиги таъкидланди. Масалан, Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Абдулла Қодирий, Абдулхамид Чўлпон сингари иждоқорларнинг асарлари хорижий тилларда нашр этилмоқда. Лекин бу ишлар таржимоналарнинг ўз ташаббуси ва қизиқиши билан бўляпти.

Бу борада Ёзувчилар уюшмаси ташаббускор бўлиши, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети билан бирга ўзбек адабиётининг энг сара намуналарини турли тилларга таржима қилиб, нашр этиши зарурлиги қайд этилди.

Адилблар хиббонини адабиёт, маърифат ва маданият масканига айлантириш, ҳар бир адиб ҳайкалини муайян олий ўқув юртига бириктириб, бу ерда очик дарслар, маърифий тадбирлар ўтказиш бўйича тавсиялар берилди. Хиббон билангина чекланиб қолмасдан, адилблар ижодини чуқур ўрганиш, уларнинг ибратли умр йўли ҳақида китоблар ва фильмлар яратиш, янги асарлар ёзиш муҳимлиги таъкидланди.

— Замонамиз қаҳрамонлари, деб кўп гапиралиш. Бугун бу қаҳрамонлар коронавирусга қарши курашаётган фидойи шифокорларимиз, мард ҳарбийларимиз, саховатли тадбиркорларимиз, ватанпарвар ёшларимиздир. Уларнинг жасорати ҳақида ўқишни ҳаммамиз хоҳлаймиш, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бугунги ёшлар интернетдан, электрон адабиётлардан кўпроқ фойдаланиши, лекин миллий адабиётимиз хазинасини интернетда тарғиб этиш яхши йўлга қўйилмагани қайд этилди.

Шу боис, Президентимиз "Адилблар хиббони" деб номланган интернет портали ташкил қилиш тақлифини билдирди. Унда мумтоз ва замонавий асарларнинг электрон нусхалари, ёзувчи ва адабиётшуносларнинг маҳорат сабоқлари жамланади. Портал ўзбек, инглиз ва рус тилларида фаол яшашга қўрсатса, ундан хориқлик муҳлиси ва мутахассислар ҳам фойдаланиши учун имконият яратилади.

Шу ерда олий таълим муассасаларининг адилблар ижодини ўрганиш бўйича тақдимотлар ўтказилди. Давлатимиз раҳбари хиббон ёнида ташкил этилган кутубхона ҳам кўздан кечирди.

Маълумки, Президент Шавкат Мирзиёев жорий йил 11 январь кун пойтахтимиздаги бунёдкорлик ишлари билан танишув чоғида Тошкент шаҳри музейини ташкил этиш бўйича тавсиялар берган эди. Адилблар хиббони ёнидаги бино реконструкция қилиниб, мазкур музей шу ерда барпо этилди.

Буюк ипак йўлининг гавжум чорраҳасида жойлашган Тошкент асрлар давомида илм-фан, маданият ва маърифат марказларидан бўлиб келган. Ватанимизнинг олтин остонаси бўлиши пойтахтимиз бугунги кунда янада ривожланиб, гўзал ва қуркам мегаполислардан бирига айлиниб бормоқда. Лекин шундай катта шаҳар шу вақтга қадар ўз музейига эга эмас эди.

Тошкент шаҳри музейи 2200 йиллик тарихга эга бўлган ҳудуднинг қадим ўтмиши, урф-одат ва аъёналари, илми-фан, маданият ва санъатини ўзида акс эттиради. Ҳозиргача бу ерда мингга яқин экспонатлар тўпланган. Музей фонди муттасил бойитиб борилади.

Биринчи қаватда "Тошкент — илм-фан маркази", "Тошкент — бағрикентлик шаҳри", "Амалий санъат. Кундалик ҳаёт ва маданият" деб номланган экспозициялар ташкил этилган. Иккинчи қаватда қадимий иш қуроллари, хўжалик буюмлари, қадимоларнинг макетлари намойишга қўйилган.

Экспонатларга ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги матнлар билан шарҳ берилган. Мониторлар, инфокиосклар ва бошқа технологиялар ёрдамида қўшимча маълумотлар тақдим этилади.

— Бу биринчи қадам, — деди Шавкат Мирзиёев. — Тошкентда илмий тадқиқотлар учун жуда катта манба бор. Лекин шу пайтгача яхлит ва тўлиқ ўрганилмаган. Энди 2200 йиллик тарихини давр-давр ўрганиш, музейни ашёвий далиллар билан бойитиб, шаҳар шаҳарларда ҳам шундай музейлар ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шу мақсадда илмий-тадқиқот институти ташкил қилиш, археологларга шариоит яратиш, изланишлар натижаси бўйича китоблар чоп этиш зарурлиги таъкидланди. Ёшларни, ўқувчиларни бу ерга олиб келиш, бошқа шаҳарларда ҳам шундай музейлар ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Музей Адилблар хиббони ёнида ташкил этилгани ҳам бежиз эмас. Ёзувчи ва шоирлар, тарихнавислар унинг фаолиятини жонлантириш, хориқликларга тарғиб этишга ҳисса қўшади.

Тошкентнинг Яшнобод туманида Болалар миллий тиббиёт маркази барпо этилди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ушбу муассасани ҳам бориб кўрди.

Лойиҳа қиймати 130 миллион доллардан зиёд бўлган мазкур марказ Корея Республикаси кўмағида, "Баум" корпорацияси лойиҳаси асосида барпо этилди. Бу юқори технологиялар асосида хизмат кўрсатишга ихтисослашган Марказий Осиёда ягона ушбу турдаги болалар тиббиёт муассасасидир. Бу ерда илмига 1,5 мингдан зиёд ноёб жарроҳлик амалиётларини бажариш имконияти мавжуд.

Тўрт қаватли даволаш корпуси 280 ўринга эга, поликлиника кўнига 250 нафаргача бемор қабул қилади. Марказ магнит резонанс томографи, мультиспирал компьютер томографи, ДНК анализатори ҳамда онкологик касалликларни барвақт аниқлайдиган замонавий технологиялар билан жиҳозланган. Бу ерда фаолият юритиш учун 100 дан ортиқ врач ва ҳамширалар Жанубий Кореяда малака ошириб қайтди.

Жарроҳлик амалиёти ускуналарига махсус камера ўрнатилган бўлиб, бошқа шифокорлар ва олий таълим муассасалари операцияларни онлайн тарзда кузатиб бориши мумкин. Замонавий технологиялар орқали масофавий тиббий кўриқлар ҳамда консилиумлар ташкил этилади, даволашнинг таъсирчан усуллари муҳокама қилинади.

— Бу марказ — миллий бойлигимиз. Бу ерда болаларни малакали даволаш билан бирга замонавий телемедицина технологиялари асосида мамлакатимиз ҳудудларида ҳам юқори сифатли тиббий хизматларни йўлга қўйиш керак, — деди Президент.

Болалар медицинаси йўналишида инновацион изланишлар олиб бориш, хорижий мутахассисларни жалб этган

ҳолда мураккаб жарроҳлик амалиётлари ва юқори технологик муолажаларни ташкил этиш, тиббиёт мутахассислари малакасини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари клиникада яратилган шариоитлар билан танишди. Ситуацион марказда бўлиб, вилоятлардаги ва Жанубий Кореядаги Пусан университет мутахассислари билан мулоқот қилди.

Ушбу марказ ёнида катталар учун ҳам замонавий клиника ҳамда олий ўқув юрти ташкил этиш режалаштирилган. Мазкур муассасалар лойиҳаси тақдимот қилинди.

— Болалар ва катталар тиббиёт марказларининг ҳудудларда филиаллари бўлади. Шу орқали тиббиёт тизимининг ҳам илмини, ҳам амалиётини энг илгор стандартлар даражасига кўтариб оламиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳрининг Оҳангарон шоссеси ва Махтумқули кўчаси кесимасидаги йўл ўтказгични кўздан кечирди.

Кейинги уч йилда Тошкент шаҳрида янги йўналиш бўйича сони 95 мингга кўпайган. Ҳудудлардан пойтахтга келиб-кетаётган машиналар сони ҳам ошмоқда. Шу боис, кўчаларнинг ўтказувчанлигини ошириш, тирбандликларни камайтириш мақсадида ўтган 3 йилда 4 та йўл ўтказгич қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Оҳангарон шоссеси Тошкент халқа йўлининг бир қисми. Махтумқули кўчасининг янги қисми битказилгач, ушбу йўлларда транспорт ҳаракати янада ортиган эди. Мазкур кўчалар кесимасида 2018 йилда бошланган лойиҳа бу йил рубёга чиқиб, ҳайдовчиларга жуда катта қулайлик яратди.

Мазкур транспорт ечими уч погондан иборат бўлиб, тунел узунлиги 593 метр, халқа шаклидаги ўрта поғона 29 метр, эстакада қисми 502 метрни ташкил этади. Тунел ва эстакадада қатнов олти, ўрта поғонада эса беш қатровли.

Илгари бу чорраҳа соатиға 7 минг автомашинани ўтказиш қувватига эга эди. Энди соатиға 20 мингга транспорт воситасини узлуksиз ўтказиш имконияти пайдо бўлди. Бу ерда светофор ишлатилмаслиги ҳам тўхтовсиз ҳаракатни таъминлайди.

Яна бир жиҳати, янги объект катта юкларни ўзига олиб, "Тошкент — Чимён" йўналиши бўйича масофани 22 километрга қисқартирди.

— Пойтахтда янги автомобиллар сони янада кўпайиши аниқ. Шунинг учун эртанги кунни йўлаб, кўчаларни кенгайтириш, кўприқлар қуриш ишларини давом эттириш керак, — деди Президент.

Тошкент шаҳрида амалга оширилган бундай улкан бунёдкорлик лойиҳалари пойтахтимизнинг янада ривожланиб, аҳоли яшаши учун қулай шаҳарлардан бирига айлиниб бораётганидан далолат беради.

## ХВЖ РАҲБАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИГА МАКТУБИ



### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

**Муҳтарам Президент Жаноблари!**

COVID-19 пандемиясининг салбий оқибатлари бутун дунё ҳамжамиятига таъсир қилаётган бугунги фавқолдада шариоитда мен мамлакатингиздаги қийинчилик ва хатарларни энгиб ўтишда Ўзбекистон халқи билан бирдам эканлини билдирмоқчиман. Вирус тарқалишига қарши курашиш, соғлиқни сақлаш соҳасига харажатларни ошириш, аҳоли ва бизнесни қўллаб-қувватлаш борасида Сиз томондан қўрилган тезкор чора-тадбирлар инқироз таъсирини юмшатишга хизмат қилади.

Халқаро валюта жамғармасининг Ижроия кенгаши жорий ҳафтада ушбу гоёт мушкул вазиятда Ўзбекистонга молиявий кўмак тақдим этишни маълум қилди.

Ушбу марказ ёнида катталар учун ҳам замонавий клиника ҳамда олий ўқув юрти ташкил этиш режалаштирилган. Мазкур муассасалар лойиҳаси тақдимот қилинди.

— Болалар ва катталар тиббиёт марказларининг ҳудудларда филиаллари бўлади. Шу орқали тиббиёт тизимининг ҳам илмини, ҳам амалиётини энг илгор стандартлар даражасига кўтариб оламиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳрининг Оҳангарон шоссеси ва Махтумқули кўчаси кесимасидаги йўл ўтказгични кўздан кечирди.

Кейинги уч йилда Тошкент шаҳрида янги йўналиш бўйича сони 95 мингга кўпайган. Ҳудудлардан пойтахтга келиб-кетаётган машиналар сони ҳам ошмоқда. Шу боис, кўчаларнинг ўтказувчанлигини ошириш, тирбандликларни камайтириш мақсадида ўтган 3 йилда 4 та йўл ўтказгич қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Оҳангарон шоссеси Тошкент халқа йўлининг бир қисми. Махтумқули кўчасининг янги қисми битказилгач, ушбу йўлларда транспорт ҳаракати янада ортиган эди. Мазкур кўчалар кесимасида 2018 йилда бошланган лойиҳа бу йил рубёга чиқиб, ҳайдовчиларга жуда катта қулайлик яратди.

Мазкур транспорт ечими уч погондан иборат бўлиб, тунел узунлиги 593 метр, халқа шаклидаги ўрта поғона 29 метр, эстакада қисми 502 метрни ташкил этади. Тунел ва эстакадада қатнов олти, ўрта поғонада эса беш қатровли.

Илгари бу чорраҳа соатиға 7 минг автомашинани ўтказиш қувватига эга эди. Энди соатиға 20 мингга транспорт воситасини узлуksиз ўтказиш имконияти пайдо бўлди. Бу ерда светофор ишлатилмаслиги ҳам тўхтовсиз ҳаракатни таъминлайди.

Яна бир жиҳати, янги объект катта юкларни ўзига олиб, "Тошкент — Чимён" йўналиши бўйича масофани 22 километрга қисқартирди.

— Пойтахтда янги автомобиллар сони янада кўпайиши аниқ. Шунинг учун эртанги кунни йўлаб, кўчаларни кенгайтириш, кўприқлар қуриш ишларини давом эттириш керак, — деди Президент.

Тошкент шаҳрида амалга оширилган бундай улкан бунёдкорлик лойиҳалари пойтахтимизнинг янада ривожланиб, аҳоли яшаши учун қулай шаҳарлардан бирига айлиниб бораётганидан далолат беради.

курсини либераллаштириш, давлат молияси ва уни бошқаришдаги салохиятни мустаҳкамлаш, молия сектори ва ишбилармонлик муҳитини ислоҳ қилиш бўйича мисли қўрилмаган янгилаштиришларни бошлади.

Ушбу ислохотлар Ўзбекистоннинг минтақавий ва глобал иқтисодиётга янада интеграциялашувиға, бундан-да юксак, барқарор ва инклюзив тараққиётга эришишиға хизмат қилади.

Бугунги шариоитда ислохотларни амалга ошириш йўлида мавжуд барча хатарларға қарамай, Сиз иқтисодиётни трансформация қилиш бўйича сиёсатингизни қатъий давом эттиришингизға ишонаман.

Шу муносабат билан ишонтириб айтганимиз, кейинги йилларда Ўзбекистон ва ХВЖ ўртасида эришилган юксак даражадаги ҳамкорликка таянган ҳолда, зарур маслаҳат ва техник кўмакни тақдим этиш, мутахассисларни тайёрлаш бўйича таълим дастурларини амалга ошириш ҳамда молиявий ёрдам орқали Ўзбекистонни қўллаб-қувватлашни давом эттиришға тайёрмиш.

Мен Жаҳон банки ижрочи директори бўлган даврдаги ҳамкорлигимизни ва шу аснода Тошкентта ташрифимни илиқлик билан эслайман. Менинг бугунги кундаги вазифада ҳам яқиндан ҳамкорлик қилишимизға умид қиламан.

Эзгу тилақлар билан,

**Кристаллина ГЕОРГИЕВА,**  
Халқаро валюта жамғармаси бошқарувчи директори

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — халқаро экспертлар нигоҳида**

**Пандемия шариоитида Ўзбекистонда фаол ташқи иқтисодий, сиёсий ва инвестициявий ҳамкорлик ривожланмоқда**

Коронавирус тарқалиши билан боғлиқ вазият сабаб дунё иқтисодиёти, боринги, ижтимоий-сиёсий ҳаётида қисман тўхталишлар кузатилади. Халқаро майдонда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам пандемиянинг салбий оқибатлари иқтисодиёт ва sanoat ривожига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистонда барқарор тараққиётни таъминлаш, чекланган имкониятлар шариоитида иқтисодиётнинг жорий ривожланиш ҳолатини сақлаб қолтиш бўйича аниқ чоралар қўрилмоқда. Хусусан, бунда ички имкониятларни сафарбар қилиш баробарида яқин ва қўшни, шунингдек, ҳамкор мамлакатлар ҳамда халқаро ҳамжамият билан ишонч руҳидаги шериклик қўллаб-қувватланмоқда. Ташқи иқтисодий дипломатия механизmlаридан унумли фойдаланган ҳолда инвестиция жалб қилиш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Пандемия даврида мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар халқаро ҳамжамият томонидан ҳам муносиб эътироф этилмоқда.

**Жумладан, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг Маданият институти раиси Сарвар Бахтий** коронавирус пандемияси шариоитида мамлакатимиз позицияси ҳақида фикр билдириб, "Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг минтақа давлатлари билан яхши қўшничилик сиёсати Марказий Осиёда барқарорлик ва ишонч муҳитининг мустаҳкамланишиға хизмат қилмоқда", дея қайд этди.

Давоми 2-бетда

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — халқаро экспертлар нигоҳида**

**Пандемия шароитида Ўзбекистонда фаол ташқи иқтисодий, сиёсий ва инвестициявий ҳамкорлик ривожланмоқда**

Бошланғич 1-бетада

COVID-19 пандемияси даврида мамлакатимизда бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича белгиланган чора-тадбирлар ҳақида сўз борганда, Италия — Ўзбекистон савдо-саноат палатаси раиси Луижи Ипертининг қуйидаги фикрларини келтириш ўринли: "Италия томони пандемия шароитида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ютуқлари, шунингдек, хорижий давлатлар, жумладан, Италия билан савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш борасидаги фаолиятини олқишлайди. Италияда Ўзбекистонга Марказий Осиёда катта иқтисодий салоҳиятга эга давлат сифатида қаралади. Шу боис, мамлакатнинг ўзининг истиқболли бозори ва бизнес шароити билан Италия компанияларининг қўшни давлатлар бозорларига кириши учун муҳим манзилга айланishi мумкин".

Таъкидлаш жоизки, карантин шароитида Ўзбекистонда ишонч руҳидаги шериклик натижалари бу каби эътирофлар билан чекланиб қолгани йўқ. Ислохотлар ва фаол иқтисодий дипломатия ютуқлари сифатида хорижий давлатларнинг Ўзбекистонга инвестиция киритишга интилишининг сезиларли ортаэртганини кўриш мумкин.

Хусусан, "Alianzade Comercio Euroasiática" Еврооисий бизнес альяниси раҳбарияти Хоразм вилояти ҳокимлиги билан видеоконференция шаклидаги мулоқот чоғида "Ҳазорасп" эркин иқтисодий зонасида илгор технологиялардан фойдаланган ҳолда, функционал, парҳезли ва болалар учун озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш истагини билдирди.

"Alianzade Comercio Euroasiática" раҳбари Эдуард Гуляев ушбу сармолагани лойиҳа компаниянинг яқин келажақ учун устувор йўналиши эканлигини таъкидлади. Унинг сўзларига кўра, бу лойиҳани амалга ошириш мамлакат ички бозорини озик-овқат маҳсулотлари янги сегментининг пайдо бўлишига имкон беради. Қўшимча равишда Марказий Осиё минтақасида мубобили йўқ маҳсулот экспорт қилинган кенгайди.

Шунингдек, куни кеча Ўзбекистоннинг Латвиядаги элчихонаси балиқ ва балиқ иқтисодиётини унчи юқори самарали технологиялардан фойдаланадиган "Motta" компаниялар гуруҳи бош мутахассиси, "Hibitech" ва "HydroBioTech" соҳасида етакчи бўлган Латвия компаниялари кенгаши аъзоси Сергей Трачук билан онлайн музокаралар ўтказди.

Тадбирда С.Трачук дунёда эпидемиологик вазият ҳамон жиддий бўлса-да, Ўзбекистонда қора икра етиштиришга ихтисослашган мажмуа яратиш лойиҳасини амалга ошириш истагини билдирди.

Унинг қайд этишича, Ўзбекистонда балиқчиликни жадал ривожлантириш, замонавий ва инновацион усуллари жорий этиш орқали балиқ етиштиришни кўпайтириш бўйича аниқ мақсадли ишлар амалга оширилаётгани ана шундай қарорга келишига туртки бўлган.

Жорий йилнинг 18 май куни мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларига Хитой сармоа ва технологияларини жалб этиш мақсадида Ўзбекистоннинг ушбу давлатдаги элчихонаси кўмағида "Huaxing Investment and Development group Co. Ltd." компанияси раҳбарияти ва Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари иштирокида видеоконференция шаклида музокаралар ташкил қилинди.

Мулоқот чоғида Қорақалпоғистон Республикасида Хитой инвестициясини тўғридан-тўғри жалб қилган ҳолда, йирик лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Лойиҳа доирасида Орол денгинининг жанубий қисмида артемия тухумлари (цистаси) етиштиришга ихтисослашган йирик корхона барпо этиш кўзда тутилган. Корхона юқори сифатли ишлаб чиқариш усуллари ва илгор технологиялари билан жиҳозланади. Лойиҳанинг биринчи босқичида 50 миллион АҚШ доллари миқдорини тўғридан-тўғри сармоа киритилади.

Ўзбекистон табиий ресурсларга бой бўлгани баробарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун ҳам қўлай иқлим шароитига эга мамлакат ҳисобланади. — дейди "Huaxing Investment and Development group Co. Ltd." компанияси раҳбари Чэн Синфу. — Биз Қорақалпоғистонда артемия тухумларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган йирик корхона барпо этишни режалаштирляпмиз. Мазкур корхона тармоқ бўйича етакчи ишлаб чиқарувчиға, минтақада артемия тухумларининг янана етказиб берувчиға айланади.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда пандемия шароитида ҳам "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси изчил амалга оширилмоқда.

Яхдудий университетни қошидаги Трумэн номидаги Тинчликни ривожлантириш тадқиқот институти Марказий Осиё бўлими бошлиғи (Исроил) Зев Левин таъбири билан айтганда, "Дунёдаги эпидемиологик вазиятда Президент Шавкат Мирзиёев олдинга интилиб, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ислохотларни жадал давом эттирмоқда. Ушбу сиёсат яхлит ва кўп қиррали хусусият касб этгани давлат ва жамиятни ҳар томонлама ислох қилиш бўйича қўрилган натижаларга эришиш имконини беради".

"Дунё" АА



Қарор ва ижро

**ИХТИСОСЛАШУВ ИМКОНИЯТНИ КЕНГАЙТИРАДИ**

маҳсулот миқдори ва экспорт ҳажмини оширади

Худойберди КАРИМОВ, журналист

Президентимизнинг шу йил 11 май кунги "Республика худудларини кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори Жиззах вилояти аҳли, биринчи навбатда, аграр соҳа вакиллари руҳлантириб юборди.



Ўз навбатида, мазкур ҳужжатда худудларни босқичма-босқич кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг муайян турларини етиштиришга ихтисослаштириш жараёнини айнан шу вилоятдан бошлаш кўзда тутилгани жиҳазликлар зиммасига катта масъулият юклайди.

— Қарорға биноан, 2020-2022 йиллар давомида вилоятимиздаги жами 116,3 минг гектар қўшимча ер майдонини кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилади, — дейди вилоят кишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари Зоҳид Омонов. — Жумладан, боғдорчилик учун Бахмал туманида 10 минг, Зомин ва Ғаллаорол туманларида 5-6 минг гектардан ер ажратилади. Биргина Форш туманининг ўзида 2020 йилда 3 минг гектар ерда узумзорлар ташкил қилинади. Уч йил ичида эса бу кўрсаткични 10 минг гектарга етказиш режалаштирилган.

Маълумотларга кўра, эндиликда вилоят бўйича 29 минг гектар ерда интенсив боғ, 30 минг гектар ерда эса узумзор барпо этилади. Қўшимча 10 минг гектар ерда сабзавот, 6,5 минг гектар ерда полиз экинларини етиштириш чоралари кўрилади. Дуккакли экинларга алоҳида эътибор қаратилиб, 30 минг гектар ерға мош, ловия, нўхат уруғлари қадалади.

Албатта, бу ишлар ўз-ўзидан бўлмайдди. Бунинг учун ҳам моддий, ҳам молиявий пойдевор барпо этилиши, мустаҳкам техника базаси яратилиши, кенг қўламадаги ирригация ва мелiorация ишларини амалга ошириш зарур бўлади. Утган қисқа вақт ичида вилоятда бу борадаги ишларни ҳаётга татбиқ этиш учун 900 га яқин лойиҳа ишлаб чиқилиб, дастлабки ишлар бошлаб юборилди. Қарорда юзага келиши мумкин бўлган масала ва муаммоларни ҳал қилишнинг йўллари кўрсатилгани ва тавсиялар берилгани воҳа миришкорлари учун дағда бўляпти.

Жиззах вилояти худудининг қарийб

48,5 фоизини эгаллаган Форш тумани бундан 5-6 йил аввал фақат чорвачилик ва қисман балиқчиликка ихтисослашган худуд ҳисобланарди. Президентимиз ўтган йили вилоятга ташрифи чоғида ушбу туманининг бошқа йўналишлардаги юқори салоҳиятини ишға солиш зарурлигини таъкидлаган эди.

— Форшликлар ўтган йили ўз тарихида биринчи марта 1 минг 140 гектар ерда сабзавот ва полиз экинлари етиштириб, юқори ҳосил олди, — дейди туман ҳокими Абдували Мустанов. — Деҳқонларимиз бу йил 3 минг 400 гектар ерға экспортбоп қовун, ички ва ташқи бозорда хариддорлар помидор, кишмиш ва бошқа экинлар эқди. Хонбанди массивида ушбу экинлар ҳосилини қайта ишлашга ихтисослашган корхона мавжуд. Хорижлик ҳамкорлар бу ерда қайта ишланган помидор қайласи ва қовун мураббосига олдиндан буюртма бериб кўймоқда.

Форш тумани азалдан кишимш узумлари, улардан тайёрланадиган сояки майизлари билан донг таратган. Бугун тумандаги аграр соҳаға ихтисослашган 2 та кластер (уларнинг умумий ер майдони 5 минг гектар), шунингдек, минг, икки минг гектар ерлари бўлган фермер хўжаликлари айнан ана шу соҳани ривожлантиришга бел боғламоқда. Шу жиҳати эътиборлики, узумзорлар учун ажратилаётган майдонлар тўлиқ лалми ерлар. Қарорда бундай ерларда деҳқончилик қилиш учун моддий ва молиявий кўмак кўрсатиши, жумладан, сугориш учун қазиланган қудуқлар, томчилатиб сугориш технологиялари учун субсидиялар берилишининг кўзда тутилгани соҳибкорларни дадиллик билан иш бошлашга ундамоқда. Бугунгача 1 минг 900 гектар янги тоқзорларнинг ташкил этилишига усулда сугорилишга мослашгани ҳам буни тасдиқлайди. Ушбу майдонлардаги

экинларни бу усулда нафақат сугориш, балки ўғитлар билан озиклантириш ҳам мумкин эканлиги уларға жуда маъқул келмоқда.

— Жамоамиз июнь ойининг биринчи ярмидаёқ минг тонна помидор, икки минг тонна қовун, 150 тонна қовул экспорт қилишни зиммасига олган, — дейди "Лаззат-Қафолат" агрокластери раҳбари Раҳмат Нарзиёв.

— Бу борада қовун ва помидор қўчатларини махсус иссиқхоналарда ундириб олганимиз қўл келаяпти. Кейинги бир-бир ярим йил ичида салкам 2 минг гектарда узумзор ташкил қилди. Уларнинг қатор ораси маҳалла-миқдор 700 нафардан ортиқ ёшларига полиз, сабзавот, дуккакли экинлар етиштириш учун бўлиб берилган. Ўз ҳисобимиздан уруғлик, сув тортиш учун насослар билан таъминладиқ, техникадан ердан беряпмиз.

Туманда қовул ва қоврак етиштиришга мослашган 2 мингта деҳқон хўжалиги ташкил этилиб, уларнинг ҳар бириға 50 сотихдан ер ажратилган. Ушбу тузилмалар аҳолини иш билан таъминлаш билан бирға, туманининг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашға ҳам ҳисса қўшмоқда. Қовулнинг консерванланган бир килоси 2 доллар, қовракнинг бир кило смоласи эса 40 доллар туриши эътиборға олинса, улардан келадиган фойдани ҳисоблаб чиқиб унчалик қийинчилик туғдирмайдди.

Форш ҳақидаги маълумотларимизға яна бир мисол келтириш ўринли. Туманда 2017 йилда атиги 114 минг долларлик кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткични 7,5 миллион долларға етказиш кўзланмоқда. Ана шу рақамларнинг ўзиёқ, худудларни босқичма-босқич кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг муайян турларини етиштиришға ихтисослаштириш госяи қандай самара беради, деган саволға амалий жавоб бўла олади.

Бахмалнинг иқлими боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш, дуккакли экинлардан мўл ҳосил олиш, доривор ўсимликларни парвариш-лаш учун жуда мос келади. Шу боис, туманда 2020-2022 йиллар оралиғида 3 минг гектарда узумзор ва 6 минг гектарда интенсив боғ яратиш режаси тузиб олинган. Бугун ана шу майдонларда 20 та махсус бурғилаш техникаси ишляпти. Улар ердаида икки йил ичида 437 та тик артезиан қудуғи қазиб зарур бўлади.

Ўрни келганда таъкидлаш керакки, туман худудини 3 та шартли пононаға ажратиш мумкин. Денгиз сатҳидан минг - бир ярим минг метр баландликда бўлган тоғли худудларда Бахмалнинг машхур олмаларини етиштириш қўлай. Ундан пастроқда ёнғоқ, нок, гилос каби мевали дарахтлар яхши ҳосил беради. Ниҳоят, пастки худудларда узумчиликни ривожлантириш мақсадға мувофиқ, Ана шу жиҳатларға эътибор қаратилган ҳолда, туманининг 11 та худуди узумчилик, 9 таси боғдорчилик, 5 таси сабзавотчилик ва картошқачилик, 7 таси доривор ҳамда дуккакли ўсимликлар етиштириш учун тақсимланди.

— Қабул қилинган мазкур қарор эҳтиёжманд оилаларни камбағалликдан чиқаришға қаратилган навбатдаги дадил қадам бўлди, — дейди Бахмал тумани ҳокими Муса Анорбоев. — Ҳуришиларимиз туманимизда 1 минг 600 дан кўпроқ эҳтиёжманд оила борлигини кўрсатди. Шундай бир кезде 5 минг 50 гектар ердан фойдаланилмай келинган. Мазкур имкониятни ишға солиш йўллари обдон ўрганилиб, ерости сув захираси мавжуд бўлган ерлар эҳтиёжманд оилаларға бўлиб берилди. Улар шу ерларда деҳқончилик қилиб ҳам ўз рўзгорини тўбратди, ҳам озик-овқат хавфсизлигини таъминлашдек хайрли ишға ҳисса қўшади.

Соҳа мутахассислари фикрича, "Республика худудларини кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришға ихтисослаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор ижросини таъминлаш орқали Жиззах вилоятида фақат 2020 йилнинг ўзида кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажми камда 50 фоиз кўпайишиға эришилади. 2022 йилға бориб эса бугунгидан уч марта кўпроқ ҳосил олиш имконияти яратилади. Шу билан бирға, воҳа аграр соҳасининг экспорт салоҳияти ошади. Утган йили вилоят бўйича атиги 50 миллион долларлик кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортға йўлланган бўлса, уч йил ичида бу кўрсаткичининг камда 150 миллион долларға етиши прогноз қилинмоқда.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ РАИСЛИГИДА 19 МАЙ КУНИ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР БўЙИЧА ВИДЕОСЕЛЕКТОР ЙИГИЛИШИ ўТКАЗИЛДИ**



Охириги ҳафтада тадбиркорлик субъектлари томонидан **ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ИСТЕЪМОЛИ 13 ФОИЗГА КўПАЙГАН**. Шунингдек, кейинги икки ҳафтада биржада цемент савдоси олдинги ойнинг шу давриға нисбатан **104 МИНГ ТОННАГА, ёқилғи маҳсулотлари 74 МИНГ ТОННАГА, қўрилиш ойнаси 60 МИНГ КВАДРАТ МЕТРГА ОШГАН**.



Мазкур имтиёздан фойдаланиш учун телефон орқали солиқ идораларини хабардор қилиш кифоя.

Ўзини ўзи банд қилаётган, қўлида касб-хунари бор одамларға муносиб шароит яратиш мақсадида **ЯНГИ ТИЗИМ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ БЕЛГИЛАНДИ**. Яъни, сартарош, этикдўз, новвой, темирчи, дурадгор, тикувчи, таксист, таржимон, дизайнер, компьютер дастурчиси каби ўзини ўзи банд қилган **60 ДАН ЗИЁД КАСБ ЭГЛАРИ ДАРОМАД СОЛИГИДАН ОЗОД ҚИЛИНАДИ**.

**500 МИНГДАН Ортиқ ТАДБИРКОРЛИК** субъекти ва **100 МИНГГА Яқин Аҳолиға** қўшимча **1,7 ТРИЛЛИОН СўМЛИК КўМАК** берилди.



Ҳозирги вақтда мамлакатимизнинг **38 ТА ТУМАНИ "ҚИЗИЛ" ЗОНАДА ҚОЛАётгани БОИС, КАРАНТИН ҚОЙДАЛАРИГА ҚАТъИЙ АМАЛ ҚИЛИШ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ**.



Йил бошида хусусий нотариуслик фаолиятиға руҳсат берилгани натижасида **617 ТА ДАВЛАТ НОТАРИУСИ ХУСУСИЙ БўЛДИ** ва бюджетдан берилётган **200 МИЛЛИАРД СўМ МАБЛАғ** иқтисод қилинди.

Кичик саноат зоналари жойини аниқлаш, уларни инфратузилмага улаш учун жорий йилда **ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ ЖАМҒАРМАСИДАН 200 МИЛЛИАРД СўМ АЖРАТИЛАДИ**.



Пандемия оқибатларини юмшатиш доирасида "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастуриға ажратилган **1 ТРИЛЛИОН СўМ КРЕДИТ МАБЛАғЛАРИНИ ҚАЙТАРИШ МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛДИ**. Шу боис, ушбу дастурни тўлиқ амалға ошириш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан **100 МИЛЛИОН ДОЛЛАР РЕСУРС АЖРАТИЛДИ**.



Умуман, сўнги икки ойда пандемиянинг аҳоли турмуш тарзи ва иқтисодиёт тармоқларига таъсирини юмшатиш бўйича **ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 12 ТА ФАРМОН ВА ҚАРОРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ**. Бунинг натижасида **500 МИНГДАН ЗИЁД ТАДБИРКОРЛИК** субъекти ва **8 МИЛЛИОНДАН Ортиқ ФУҚАРОГА ҚАРИЙБ 30 ТРИЛЛИОН СўМЛИК** имтиёз ва **ПРЕФЕРЕНЦИАЛАР** берилди.

Эпидемиологик ҳолатдан келиб чиқиб, худудларни "ЯШИЛ", "САРИҚ" ва "ҚИЗИЛ" зоналарға ажратган ҳолда, **110 МИНГГА Яқин ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТИНИНГ** фаолиятиға руҳсат берилди, **600 МИНГДАН ЗИЁД КИШИ** иш жойиға қайтди.



Давлат-хусусий шериклиги

ТЕНГЛИК, ОЧИҚЛИК, ХОЛИСЛИК — АСОСИЙ МЕЗОН



Айни пайтда мамлакатимизда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишга долзарб масалалардан бири сифатида катта эътибор қаратилмоқда. Хорижий тажрибадан маълум бўлганидек, бу борадаги энг самарали йўналишлардан бири давлат-хусусий шериклик муносабатларидир. Хўш, юртимизда ушбу имкониятдан қандай фойдаланилаётгани, айни йўналишдаги ишлар, келгуси режалар ҳақида Молия вазирлиги хузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги директори Ғолиб ХОЛЖИГИТОВ билан суҳбатда бўлдик.

— Суҳбатимиз аввалида агентлик ташкил этилишига сабаб бўлган омиллар ҳақида тўхталсангиз?

— Мамлакатимизда мазкур соҳада илк қадамлар қўйилишига Президентимизнинг 2018 йил 20 октябрдаги давлат-хусусий шерикликнинг ҳуқуқий ва институционал базасини яратиб буйича биринчи навбатдаги чора-тадбирларга оид ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 13 декабрдаги Молия вазирлиги хузурида Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигини ташкил доир қарорлари ва "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги қонун ҳужуқий асос бўлди. Бир қатор қонунчилик ҳужжатлари ишлаб чиқилди. Ташкилий шарт-шароитлар яратилган, амалий ишлар бошлаб юборилди. Хозирги кунда давлат-хусусий шерикликнинг устувор тармоқлари энергетика, транспорт соҳаси (аэропорт, йўллар ва ҳ.к.), ижтимоий соҳа (соғлиқни сақлаш, таълим ва мактабга таълим, спорт), телекоммуникация, коммунал хўжалик (сув таъминоти, канализация, иссиқлик, қаттиқ чийиндилар), қишлоқ ва сув хўжалиги, туризм соҳалари ҳисобланади.

— Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари муваффақиятли амалга ошириш учун асосий эътибор нималарга қаратилиши зарур?

— Энг аввало, у ҳақда аниқ тушунчага эга бўлиш талаб этилади. Давлат-хусусий шериклик — бу хусусийлаштириш, хусусий секторни ривожлантириш воситаси ёки хусусий сектор фаолиятининг давлатнинг фойда олиши эмас. Ундан келадиган фойда аҳолига, истеъмолчига сифатли ва зарур хизматлар кўрсатишдан иборат. Қисқача айтганда, бу фаолиятда аҳоли манфаати биринчи ўринда туриши керак.



Бундай шериклик хусусий секторнинг бошқариш тажрибаси ва маблағларини жалб қилиш орқали мамлакат инфратузилмасини яратиб буйича тузилмадан узоқ муддатли шартнома ва таваккалчиликларни самарали тақсимлашдир. Давлатнинг муҳим мажбурият ва масъулиятлари бор. Лекин уларни бажаришдаги катта муаммолардан бири — бюджет маблағларининг етишмаслиги ҳисобланади.

Давлат-хусусий шерикликдан қўзланган мақсад эса давлатнинг ўз вазифасини бажаришига хусусий секторни шерик сифатида жалб қилишдир, яъни бунда хусусий сектор давлатга ёрдамчи бўлади. Пировардида бюджет маблағлари иқтисод қилинади.

Шерикликнинг яна бир жиҳати таваккалчиликни тақсимлаш бўлиб, икки томон ўз имкониятига қараб, бу таваккалчиликларни ўз зиммасига олади. Шериклик битимларининг бошқа бир хусусияти унинг узоқ муддатга мўлжалланганидир. Бундан ташқари, ушбу муносабат асосидаги лойиҳалар муваффақиятли давлат билан хусусий секторнинг бир-бирига ўзаро ишончига боғлиқ, ДХШнинг бир неча модели мавжуд. Энг кенг тарқалганга кўра, хусусий сектор тендердан ёки тўғридан-тўғри музокарадан сўнг белгиланган объектнинг қурилиши, молиялаштирилиши, лойиҳалаштирилиши ва шартнома давридаги эксплуатацияси ва таъмирини ўз зиммасига олади. Тайёр бўлган, уни давлатга топширади. Давлат эса ер ажратиб, кўчмас мулкни хусусий сектор балансида

ўтказиши ва хусусий шерикнинг харажатларини ва фойдасини тўлаб боради. Баъзи моделларда хусусий сектор бошқарувни ўз зиммасига олади, давлат шартнома даврида назоратни олиб боради. Лойиҳани амалга оширишда хусусий сектор кредит жалб қилган тақдирда банк ҳам назорат функциясини бажариши мумкин. Бу давлатнинг ҳам, аҳолининг ҳам хотиржамлигини таъминлайди. Шериклик лойиҳаси узоқ муддатли бўлгани учун таваккалчилик ҳам шунга яраша, яъни банд бўлади. Шу боис, шартнома тузилаётганда, у аҳоли манфаатига қай даражада хизмат қилиши чўқур ўрганилиши керак. Умуман, шериклик лойиҳаларининг ўзига хослигига қараб, жаҳон тажрибасидаги мавжуд моделлардан фойдаланишга эътибор берилмоқда.

— Давлат-хусусий шериклик қандай тартибда амалга оширилади?

— Бу, биринчидан, хусусий ташаббус асосида бўлиши мумкин. Бунда хусусий сектор — тадбиркор ўз хоҳиш-истаги билан лойиҳани ўрганади ва давлат шериклиги тақлиф билан чиқади. Масалан, тадбиркор бирор шифохона биносини олиб модернизация қилмоқчи бўлса, у мазкур объектнинг ҳар томонлама ўрганиши, қанча пул сарфлаши, қанча муддатда бу ишни бажариши, фойдасини қанча чиқариб олиши атрофича баён қилинган концепция тузади, ҳисоб-китоблар қилади ва уни Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этади. Давлат ташкилоти томонидан ушбу ҳужжат қўриб чиқилади ва лойиҳани амалга ошириш мақсада мувофиқ деб топилса, Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигига тақдим қилади. Ушбу лойиҳа концепцияси агентлик билан келишилган сўнг 45 кун давомида у ҳақдаги хабар давлат шериги ҳамда агентликнинг сайтларига жойлаштирилади. Бунда яна бир тадбиркор шу лойиҳа буйича тақлиф берадиган бўлса, ғолиб

тендер асосида аниқланади, агар талабгор чиқмаса, унда ташаббускор тадбиркор билан тўғридан-тўғри шартнома имзоланади.

— Айни пайтда агентлик томонидан қандай лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда?

— Бугунги кунда умумий қиймати 3,85 миллиард АҚШ доллари бўлган 32 та янги лойиҳа устида иш кетяпти. Жумладан, Энергетика вазирлиги ва ДХШ агентлиги томонидан Халқаро молия корпорацияси кўмағида Сирдарё вилоятида иссиқлик электр станциясини қуриш ва эксплуатация қилиш буйича ДХШ лойиҳаси концепцияси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланди. Қуввати 1500 МВт, тахминий қиймати 1,1 миллиард доллар бўлган мазкур лойиҳа 75 минг хонадон ва 12 минг ташиқлотни электр энергияси билан таъминлаш имкониятига эга бўлади. Айни пайтда унга Sumitomo, Marubeni, Siemens, Eni, Hyundai каби дунёга машҳур 45та компания қизиқиш билдирмоқда. Лойиҳа буйича тендер ҳужжатлари тайёрланди ва у декабрда яқунлиши қўзда тутилган.

Халқаро молия корпорацияси кўмағида яна бир лойиҳамиз Самарқанд ва Жиззах вилоятларида ҳар бири 200 МВт қувватли қуёш электр станцияларини қуриш ва эксплуатация қилиш (Scaling Solar дастури) бўлиб, унинг ДХШ лойиҳаси концепцияси ҳам Вазирлар Маҳкамаси

томонидан тасдиқланди. Қуввати 400 МВт, тахминий қиймати 400 миллион АҚШ доллари бўлган мазкур лойиҳаларга ҳам Total Eren, Eni, CCECC, ACWA Power, Risen Energy каби 84 та йirik инвестор қизиқиш билдирмоқда. Агар лойиҳа амалга охша, 24 минг хонадон ва 4 мингга яқин ташиқлот электр энергияси билан узлуксиз таъминланади. Шу билан бирга, Осиё тараққиёт банки кўмағида Сурхондарё вилоятида 200 МВт қувватли фотозлектр қуёш станциясини қуриш ва эксплуатация қилиш буйича ишлар бошланди. Дунёнинг 54 та йirik инвестори қизиқиш билдирган мазкур лойиҳанинг тахминий қиймати 200 миллион долларни ташкил этади.

Саудия Арабистонининг "ACWA Power" компанияси томонидан хусусий ташаббус орқали Сирдарё вилоятида қуввати 1500 МВт бўлган иссиқлик электр станциясини қуриш ва эксплуатация қилиш буйича ДХШ тўғрисидаги битим (PPA ва IA шартномалари) имзоланди. Тахминий қиймати 1,3 миллиард АҚШ доллари бўлган лойиҳа уч йилда яқунлиши режалаштирилган.

Бундан ташқари, Транспорт вазирлиги ва ДХШ агентлиги томонидан Жаҳон банки кўмағида "Тошкент — Андижон йўлини қуриш ва эксплуатация қилиш" лойиҳаси буйича ишлар олиб борилаётганлиги аниқланди. Уzunлиги 330 км бўлган, кунлик ўртача 25 минг автомобиль қатновига мўлжалланган лойиҳанинг дастлабки техник-иқтисодий ҳисоб-китоблари натижалари Жаҳон банки томонидан тайёрланди. Шу билан бирга, Европа тикланиш ва тараққиёт банки кўмағида узунлиги 290 км бўлган, кунлик 24 минг автомобиль қатнови учун мўлжалланаётган "Тошкент—Самарқанд йўлини қуриш ва эксплуатация қилиш" лойиҳаси буйича дастлабки техник-иқтисодий ҳисоб-китоблари ишлаб чиқиш мақсадида халқаро консултантлар танланди.

— Таълим, коммунал ва соғлиқни сақлаш соҳаларида амалга оширилаётган лойиҳалар тўғрисида ҳам маълумот берсангиз.

— Тошкент шаҳри иссиқлик таъминоти тизимини ДХШ асосида бошқарувга топшириш буйича қуввати 6,5 млн. Гкал, иссиқлик энергияси ишлаб чиқаришга мўлжалланган, қиймати 1,4 миллиард доллар бўлган лойиҳа концепцияси Франциянинг йirik "Вюлия" компанияси томонидан пойтахт ҳокимлигига қайта тақдим этилган. Хозирги кунда лойиҳа концепцияси ва молиявий ҳисоб-китоблар ўрганиб чиқилмоқда.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан 200тага яқин лойиҳадан иборат рўйхат шакллантирилган. Шунингдек, халқаро экспертлар жалб этилган ҳолда, Наманган, Жиззах, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида иссиқлик таъминоти соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш буйича жадал иш олиб борилмоқда. Ушбу лойиҳаларга оид битимлар 2021 йилда имзоланиши кўтилмоқда. Жумладан, Осиё тараққиёт банки томонидан Наманган шаҳрида сув таъминоти ҳамда канализация тармоқларини ДХШ шартлари асосида модернизациялаш ва бошқарувга топшириш мақсадида бир суткада 100 минг куб метр оқова сувни тозалаш қувватига эга, тахминий қиймати 67 миллион доллар бўлган лойиҳани амалга ошириш буйича консалтинг шартномаси имзоланди.

Халқаро молия корпорацияси кўмағида соғлиқни сақлаш соҳасида Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилоятида гемодиализ хизматларини кўрсатиш озаосидан қиймати 9,7 миллион доллар бўлган лойиҳа буйича шериклик битими имзоланди, шундан 1100 беморга гемодиализ хизматлари кўрсатуви марказларни барпо этишга доир тендер жараёни яқунлиши арафасида.

Бундан ташқари, Халқ таълими вазирлиги, ДХШ агентлиги ва Осиё тараққиёт банки томонидан Тошкент шаҳри ва вилоятидаги 16 та мактабда 2021 йилнинг биринчи чорағида қуввати ҳар бир мактаб учун 1 минг 680 нафар ўқувчи ўрнига мўлжалланган, тахминий қиймати 60 миллион доллар бўлган лойиҳани амалга ошириш буйича консалтинг хизмати шартномаси имзоланди.

Мезон

СИФАТ ВА ХАВФСИЗЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

Маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашда мутахассиснинг ўрни муҳим

Ботиржон СУЛАЙМОНОВ, Тошкент давлат аграр университети ректори, академик

Мамлакатимизда барча имконият ва шароитлар мавжудлигига қарамай, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик буйича халқаро стандартларга мувофиқлиги таъминланмас экан, уларнинг экспорт географиясини кенгайтириб бўлмайдди. Илмий техниканинг ривожланиши даврига қадар инсоният фақат органик маҳсулотлар истеъмол қилган.

Аммо қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда замонавий илмий ёндашувлар қўлланила бошлангандан кейин уларга эскича усул сифатида қаралиб, деярли фойдаланилмай қолди. Чунки асосий эътибор ҳосилдорлик, технология ва органолептик кўрсаткичларнинг юқори бўлишига қаратилди.

Натижада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда бирмунча ютуқларга эришилди. Жумладан, ҳосилдорлик сезиларли даражада ошди. Селекция ишлари натижасида истикболли нав ва зотлар яратилди. Ўсимликларнинг вегетация даври қисқаришига эришилди. Қўп навлар интродукция қилинди.

Бироқ қўтилмаганда шундай муаммолар пайдо бўлдики, бу бутун дунё ҳамжамиятини ташвишга солиб қўйди. Етиштирилаётган маҳсулотлар таркиби, сифати ва хавфсизлик кўрсаткичлари буйича инсоният учун муайян даражада хавфли экани маълум бўлди. Яъни истеъмол қилинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари туфайли инсон организмиде турли касалликлар пайдо бўлмоқда. Бунга асосий сабаб эса маҳсулотни етиштириш даврида қўлланган кимёвий ўғитлар, турли препаратларнинг маҳсулот таркибиде қолдиғи, биостимуляторларнинг салбий оқибатлари кабиларидир. Бундан ташқари, тулроқ тузилмасига, атроф-муҳитнинг экологик кўрсаткичларига ҳам сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабли маҳсулот

етиштириш буйича халқаро меъёрлар ишлаб чиқирилиб, улар халқаро миқёсдаги маҳсулот реализацияси учун асосий меъёрий ҳужжат сифатида қўлланила бошланди.

Хозир қишлоқ хўжалиги буйича Organic ва Global G.A.P. халқаро стандартлари энг кўп қўлланилади. Статистик маълумотларга қараганда, бугунги кунда жаҳонда органик маҳсулотлар билан шуғулланувчи корхоналар сони 700 миңдан ортиқ. Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш буйича Австралия, Хитой, Аргентина, АҚШ, Германия, Буюк Британия каби мамлакатлар юқори кўрсаткичлар билан етакчилик қилмоқда.

Мамлакатимизда Organic ва Global G.A.P. халқаро стандартлари экспорт билан шуғулланувчи бир қатор корхоналарда яқин йиллардан бошлаб қўлланила бошланди. Бундай корхоналар сонини ошириш ва жорий этишни оптималлаштириш учун кенг қамровли ишлар бошлаб юборилди. Жумладан, Президентимизнинг 2020 йил 18 майдаги "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони имзоланди.

Мазкур фармонга мувофиқ, юртимизда Organic ва Global G.A.P. халқаро стандартлари талабларига мувофиқ маҳсулот ишлаб чиқариш, тартибга солиш ва мувофиқлаштириш

тизимларини ривожлантириш, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичларини яхшилаш, экспорт географиясини кенгайтириш, шунингдек, мамлакатимизнинг органик маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш имкониятини ошириш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда Тошкент давлат аграр университетиде "Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш" йўналишида мутахассислар тайёрлаш учун ўқув-услубий материалларни ишлаб чиқиш ва 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб ушбу йўналишда талабалар қабул қилишни йўлга қўйиш белгиланган.

Мазкур чора-тадбирларни амалга оширишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифати ва хавфсизлик кўрсаткичлари буйича халқаро стандартларга мувофиқ маҳсулотлар етиштирувчи малялаки кадрлар тайёрланади. Замонавий юқори технологияли асбоб-ускуналар билан жиҳозланган лабораториялар ташкил этилиб, уларда фаолият юритувчи малялаки илмий-педагог кадрлар шакллантирилади. Соҳа буйича илмий тадқиқот ва лойиҳалар бажарилади, махаллий ва халқаро кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилади.

Ушбу чора-тадбирлар амалга оширилиши билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдан истръмолчига етказишга бўлган бир неча асосий босқичлар, яъни ерга ишлов бериш ва чорвани парваришлаш, маҳсулотни етиштириш, йигиб-териб олиш, сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш ва истеъмолчига етказишда сифат ва хавфсизлик кўрсаткичларининг халқаро стандартларга мувофиқлиги таъминланади. Натижада етиштирилган маҳсулотлар экспорт салоҳиятининг кескин ошишига эришилади.



ОНЛАЙН АУКЦИОН ШАФФОФЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Узоқберган ЖАКСИМУРОДОВ, Адлия вазирлиги бўлим бошлиғи

Мамлакатимизда кейинги йилларда бизнес юритиш тартиб-таомилларини соддалаштириш, инфратузилмани яхшилаш ва бошқа имтиёзлар туфайли тадбиркорлик изчил ривож топиб бормоқда. Шу билан бирга, ер участкаларини ажратиш, қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш, тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш инфратузилмасидан, кредит ва бошқа молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини таъминлашда бюрократик тўсиқлар учраб тургани сир эмас.

Янги тизимнинг афзалликлари

Президентимизнинг 2019 йил 13 августда қабул қилинган "Хусусий мулкни қирмоқ қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш буйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида"ги фармони бу борадаги муаммоларни бартараф этишда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Мазкур фармон ва бошқа тегишли ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, 2019 йил 1 октябрдан бошлаб тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини электрон онлайн аукцион орқали берилмайдиган бўлди. Янги тартибга мувофиқ, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкалари тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун доимий фойдаланишга берилди.

Ер участкасини танлаш материаллари буйича келишиш ва ҳулосалар бериш фақат "YERELEKTRON" автоматлаштирилган ахборот тизими орқали амалга оширилади.

Шунингдек, аукцион натижалари тўғрисидаги баённома олди-сотида шартномаси кунига эга бўлиб, ушбу ер участкасини доимий фойдаланиш ҳуқуқини аукцион ғолиби номига давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос ҳисобланади.

Илгари инсон омили таъсири туфайли тадбиркорлик субъектларига ер участкаларини ажратиш жараёнини жуда мураккаб ва қийин босқичлардан иборат эди. Эндиликда тадбиркорлар ва инвесторлар ўзларига маъқул бўлган ер участкаларини ўтирган жойларида ва қулай вақтда ҳеч қандай бюрократик тўсиқларсиз онлайн тарзда сотиб олиш имкониятига эга бўлди.

Бунинг натижасида бутун жараён инсон омилининг амалга оширилишига, ахборотдан фақатгина тор доирадаги харидорлар эмас, балки кўпчиликнинг хабардор бўлиши ва турли босимлар бўлмағлиги таъминланди. Энг асосийси, тадбиркорларга бизнес юритишга ҳеч қим тўсиқлар қўйла олмайди.

Жумладан, онлайн аукцион савдо-ларни шифоф тизим бўлиб, ер участкаларини бериш буйича материалларни қўриб чиқиш ва келишишда ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш имконини тақдим этади.

Хозир онлайн аукцион иштирокчисига айланмиш тартиби жуда осон. Бунинг учун тадбиркорлар www.e-auction.uz сайтдан рўйхатдан ўтиб, ўзларини қизиқтирган объектни (ЛОТ) танлайди ва ариза беради.

Сўнгра тўловларни тижорат банклари ёки электрон тўлов тизимлари (Payme, Click ва бошқалар) орқали амалга ошириб, реал вақт режимида онлайн аукционда иштирок этиш имкониятига эга бўлади.

Хориж тажрибасига назар

Мазкур соҳада хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилганда, ер участкаларини ажратишда турли амалиётга дуч келамиз. Хусусан, Россия Федерацияси, Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Канада, Бразилия ва бошқа бир қатор давлатларда ер участкаларини сотиш аукционлар орқали амалга оширилади.

Масалан, Россия Федерациясида давлат тасарруфиде бўлган ер участкаларини аукцион орқали сотиш учун ваколатли орган томонидан қабул қилинган қарор ёки ҳимоний ва юридик шахсларнинг аризаси асос ҳисобланади.

Буюк Британияда ер участкаларини аукционда сотиш бизнес юритишда энг муқобил усуллардан бири ҳисобланади, шунингдек, кимосиди савдода ерни чегирмали нархларда сотиб олиш мумкин.

Амалий ишлар қандай натижа бермоқда?

Адлия вазирлиги томонидан тегишли ташкилотларнинг бу йўналишдаги қўнуқчилик талабларига риоя этиши буйича тизимли назорат ва мониторинг амалга ошириб келинмоқда. Шу жумладан, ер участкаси материалларини тайёрлаш жараёнида ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўрганиб борилмоқда.

Хусусан, ер участкаларининг ўз вақтида аукцион савдо майдончасига қўйилишини таъминлаш мақсадида ваколатли ташкилотларга аниқланган қўнуқчилик ҳолатларига нисбатан 20 та тақдимнома, 443 та оғохлантириш хати, 3 та маъмурий тақлиф, жами 466 та таъсир чораси киритилди.

Шу билан бир қаторда, жорий йилнинг 11 май ҳолатига кўра, республика буйича жами 2084 та ер участкасининг аукционга чиқарилиши таъминланди.

Хулоса қилиб айтганда, бу йўналишда ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан амалга оширилаётган назорат ишлари ер участкаларининг ўз вақтида аукцион савдоларга чиқарилиши, тадбиркорлик ташаббусларини ва лойиҳаларининг қўллаб-қувватланиши, бунинг натижасида қўллаб иш ўринлари яратилишига хизмат қилмоқда.

"Янги Ўзбекистон" мухбири Лутфулла СУВОНОВ суҳбатлашди.



# ЖАРАЁН

Аҳоли бандлиги

# ЕР — ХАЗИНА, КООПЕРАТИВ ВА КЛАСТЕР УНИНГ КАЛИТИ

Абдурауф ҚОРЖОВОВ, иқтисодий шарҳловчи

Коронавирус туфайли вазият кун сайин ўзгариб турибди. Бу, ўз навбатида, аҳоли бандлигини таъминлаш ва муҳтож оилаларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича қўшимча чоралар қўришни талаб этади. Маълумотларга қараганда, Бандликка қўмаклашиш ва Жамоат ишлари жамғармалари ҳисобидан 142 мингдан орტიқ ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланиб, уларга 45 миллиард сўмга яқин иш ҳақи тўлаб берилди. Самарқанд вилоятида ҳам "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати доирасида амалий ишлар кўлами тобора кенгайиб борапти. Тадбиркор ва фермерлар камбағал оилаларга томорқада экин экишга, кооперативлар ташкил этиб, ҳам ишли, ҳам мулкчи бўлишга, қасаначиликни йўлга қўйишга қўмаклашмоқда.

## Лойиҳанинг биринчи босқичи



Лойиҳани икки босқичда амалга ошириш кўзда тутилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, концерн негизда "Барака чеккин" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. Унинг фаолияти дастлабки босқичда 300 гектар майдонда интенсив услубда қорақоғиш навли узум етиштириладиган боғни, бунинг учун зарур бўлган замонавий инфратузилмани яратишга қаратилди.

қадалди. Уч километр масофадан электр симлари тортиб келиниб, сув чиқариш учун артезиан қудуқ қазилди. Катта ҳажмдаги насос агрегати унинг сувини умумий сийғими 30 минг куб метр бўлган иккита, шундан 20 минг куб метри мембрана қопламали ҳовузга ташлаб беради. Уларда "исинган" ва зарур минерал моддалар билан тўйинган обихаёт томчилатиб сугориш тизими орқали экин майдонларига йўланади. МЧЖ томонидан бу мақсадларни амалга оширишга 13,5 миллиард сўм сарфланди.

## Кооперативда ҳамманинг улуши, мулкка эгалликнинг ҳисоб-китоби бор

Кооперативнинг асосий мақсади аъзоларнинг мулкий бадалларини бирлаштирган, шахсий иштирокини таъминлаган ҳолда биргаликда ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдан иборат. Ҳозирги кунда унга ташкил этилган 300 та деҳқон ҳўжалиги аъзо бўлиб кирди, икки томонлама шартномалар имзоланди.



Кайд этиш жоиз, ҳар қандай янгиликни таъбиқ этиш, аинқиса, қишлоқ шароитида ҳамирдан қил сугургандек осон кўчмайд. Бунинг устига янги тоқзорлар мулк сифатида ишсиз, силаси ноҳор ва хоридан қайтиб келган шахсларга бериш орқали уларни доимий бандлигини таъминлаш назарда тутилган. Шу мақсадда "Деҳқонobod", "Шўртепа", "Истиклол", "Оқтош" маҳаллаларида яшовчи қўлидан иш келади-ган, меҳнат қилишга иштиёқ бор 1200 кишининг рўйхати шакллантирилди. Уларнинг ҳар бири билан дилдан сўхбатлашиб, амалга

ошириладиган лойиҳанинг моҳияти ва деҳқон ҳўжалиги соҳибни бўлишнинг имтиёз-мажбуриятлари тушунтирилди. Ҳозирча уларнинг 300 нафари билан биринчи босқич режасига асосан, кооператив билан узаро шартнома имзоланди.



## Балиқ тутиш учун қармоқ бериш зарур

Албатта, мамлакатимизда бугунги кунда ишсиз аҳолининг бандлиги ва даромад олишини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган ишлар хайрли ва савобли. Лекин худди шу жараёнда Президентимиз ёдга олган қўнға ҳикмати эсдан чиқармаслик керак. "Таъбир жоиз бўлса, шу вақтгача биз одамларимизга балиқ бердик. Бу тақриба ўзини мулкқо оқламади. Халқимизга балиқ тутишни ўргатишимиз, қармоқ беришимиз лозим".

## Имтиёз ва имкониятлар — молиявий таянч

Худди шу вазиятда яна бир муаммо кўндаланг бўлади. Шу пайтгача ишсиз, бир амаллаб қора қозонини қайнатиб келаётган одамлар бунча пулни қаердан топади?!

— Президентимизнинг қарорлари асосида яратилган молиявий дастлаблар бу жараёнда яқин кўмак беради, — дейди Шавкат Жалолов. — Хусусан, ер олаётган фуқароларга Фермер, деҳқон ҳўжалиқлари ва томорқа ер эгалари жамғармаси маблағлари ҳисобидан 3 йил (олти ойлик имтиёзли) муддатга 15 фоиз устам билан 22,5 миллион сўмдан кредит ажратилапти. Кредит маблағлари банклар томонидан "Барака чеккин" МЧЖ билан фуқаро уртасида тузилган шартномага асосан, пудратчи қорхона ҳисобига ўтказиб берилапти.



бўлди, — дейди, "Деҳқонobod" маҳалласида яшовчи Аббор Туронов. — Ярим гектар ерни шартнома асосида олдик. Ток ниҳоллари экилган, полиз экинлари уруғлари етказиб берилди. Энди уларнинг ҳосили бизнинг мулккимиз. Оиламиз билан ҳамжihat, жон куйдириб ишляпимиз. Келгусида тоқдан олиннадиган узумни ҳам майиз қилиб сотиш ниятимиз бор. Нави шунга мос келади. Томчилатиб сугорганда сув сарфи тўрт баробар қисқаради, минерал ўғит ва бошқа препаратлар ҳам айнан ҳар бир тоқнинг илдизига етиб боради.

## Пировард мақсад — экспорт

— Бу лойиҳа ҳаммага наф келтиради, — дейди Шавкат Жалолов. — Қишлоқ аҳоли мулкдор, даромадли бўлапти, ер эгасини топиб, фойда келтиради. Биз эса деҳқончилик кластерини шакллантириб, экспорт ҳажминини ошираемиз. Zero, давлатимиз раҳбари олдимизга қўйган вазифа ҳам аслида шу.



12 минг долларлик маҳсулот етиштирилади. Юртимизда эса бу кўрсаткич 300 доллардан ошмапти. Доим ягона стандартга товар етказиб бериш йўлга қўйилмагани сабабли маҳсулотларимиз ташқи бозорда рақобатлаша олмапти.

## Рақамли иқтисодиёт

# ТАРАҚҚИЁТ ЛОКОМОТИВИ

Қаландар АБДУРАҲМОНОВ, академик

Ҳозирги дамда кундалик ҳаётни, замонавий тараққиётни ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Илм-фаннинг сўнгги ютуқларига асосланган бу йўналиш барча соҳа ва тармоқлар фаолиятига жадал кириб бормоқда. Ҳеч шубҳасиз, келгусида бу жараён янада тезлашади, "рақамли иқтисодиёт", "рақамли технологиялар" тушунчалари ва улар билан боғлиқ муносабатлар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланади.

Табиийки, ана шундай қулай, хавфсиз ва қафлатланган ҳаёт тарзига ўтиш инсониятнинг азалий орузу бўлиб келган. Қадимий эртқ ва ривожланиш бир эсланг. Уларда алоҳида ноёб ҳобилиятга эга бўлган инсонларнинг ўтирган жойида ҳар хил ҳаракатлар билан очил дастурхон, қайнар ҳумча

22 фоизи интернет технологиялари орқали яратилди. Шунинг учун бутун дунёда, жумладан, мамлакатимизда ҳам рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Президентимизнинг шу йил 28 апрелда қабул қилинган "Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумати кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори юртимизда бу борада ҳуқуқий базани мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шу қарор асосида Ахборот

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш республикамиз учун келгуси беш йилдаги энг устувор вазифалардан бирига айлангани алоҳида таъкидлаб ўтгани бежиз эмас. Чунки дунёдаги инсон ақлини лол қолдирадиган қўнғина кашфиётларни ўзида мужассам этадиган рақамли иқтисодиёт яқин йиллар ичида ҳар бир мамлакатнинг кўрсаткичлардан бирига, тараққиёт локомотиви айланади. Юртимизда ана шундай иқтисодиётга ўтиш йўлида шу йилнинг ўзида салмоқли амалий қадамлар ташланади. Давлатимиз раҳбари томонидан 2020 йил мамлакатимизда Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб эълон қилинган ҳамда шу муносабат билан махсус давлат дастури қабул қилиниб, уни амалга ошириш бўйича кенг қўламли амалий ишлар бошлаб юборилгани бу фикрнинг тасдиғидир.

дамида бошқариладиган аънавий иқтисодиётдан фарқи шундаки, у кўпроқ онгли, биллими ва малакали, ақлли бошқарувга, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги энг сўнгги ютуқларга, илмий кашфиётларга асосланади. У кўпроқ жисмоний эмас, тизимлашган ақлий-интеллектуал меҳнат, ҳаракатни талаб этади, масофани, вақтни тежайди ва ҳар жиҳатдан қўлай ҳамда самарадордир. Бунга бутун дунёни қамраб олган коронавирус пандемияси шароитида барчамиз гувоҳ бўлдик. Уша кўнларни қўнғина ташкилотлар фаолияти, хизматлар кўрсатиш уйдан ёки ҳизмат хонасидан чиқмасдан туриб, рақамли технологиялар асосида амалга оширилди. Аинқиса, таълим, давлат хизматлари, банк соҳаси, давлат бошқаруви тизими, савдо ва бошқа ижтимоий хизматлар масофадан туриб, рақамли иқтисодиёт ютуқлари асосида олиб борилгани ўша мураккаб шароитда ҳам жамиятимизда ҳаётнинг бир маромада кечишига, одамларнинг энг муҳим эҳтиёжларини таъминлашга хизмат қилди.




ёки учар гилламларни қақриб, уларни бошқариб, уларни учун зарур бўлган эҳтиёжларни қондирганлари ана шундай ширин орузларнинг ҳаёлий ифодаси эди. Бугунги кунда инсон ақл-заковатининг юксак даражада ривожланиши, илм-фан тараққиёти туфайли бир пайтлар эртққ бўлиб туюлган воқеа-ҳодисалар ҳам реал ҳақиқатга айланмоқда. Экспертларнинг таҳмин қилишларича, яқин уч йилда рақамли иқтисодиётга ўтиш янада жадаллашиб, жаҳондаги иш ўринларининг

технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигида рақамли иқтисодиёт билан шугулланадиган бутун бир тизим ташкил этилди. Вазирлик "электрон ҳукумат", иқтисодиёт тармоқлари ва қишлоқ ҳўжалиги тармоқларини рақамлаштириш, ахборот технологиялари бўйича парқлар яратиш ва уларни бошқариш бўйича ишлар ҳам рақарблиқ қиладиган бўлди. Қарорда "электрон ҳукумат" тизимида 104 та, иқтисодиётнинг реал секториди 87 та,

телекоммуникациялар соҳасида 35 та, қишлоқ ҳўжалигида 24 та, ахборот технологиялари йўналишидаги парқлар бўйича 18 та лойиҳа ҳамда уларнинг ҳар бири юзасидан маблағлар аниқ белгилаб берилгани бу борада амалга оширилиши зарур бўлган ишлар кўлами ва микёси нақадар катта эканини яққол кўрсатиб турибди.

Айтиш жоиз, рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумати кенг жорий этиш масалалари бўйича ўтказилган йилгида ана шу вазифаларни амалга ошириш борасидаги ишларнинг ҳолати атрофлича таҳлил қилинди. "Бу ишларни келгуси 2-3 йилда тўлиқ амалга оширмасак, ҳар бир кечиккан йилнимиз мамлакатимизни 10 йил орққа тортади", деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Таълим



# ИННОВАЦИОН УСЛУБЛАР САМАРАСИ



Шариф ЭРГАШЕВ,  
Наманган муҳандислик-қурилиш  
институтининг ректори

Янги Ўзбекистонни барпо этишда таълим жараёнларида энг илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш, "эскирган қолип"ни четта суриб, янгича инновацияларга интилиш мақсадга мувофиқдир. Ана шундангина биз жамиятимиз учун муносиб мутахассисларни тайёрлашга эришамиз. Қолаверса, бугунги масофавий таълим жараёнлари тизим иллати бўлган коррупцияни енгишнинг муҳим асосларидан биридир.

фанлар бўйича телеграм гуруҳлари орқали таълим жараёнлари йўлга қўйилган. Ҳар бир талаба ўзига тегишли бўлган логин ва пароллар ёрдамида фанлардан махсус яратилган маъруза матнлари, тақдиротлар, видеодалар ва баҳолаш шаклларида келиб чиқиб, тест ва саволлар банки билан бемалол танишиб, белгиланган вақтларда вазифаларни бажармоқдалар. Раҳбарият ва тегишли масъуллар томонидан профессор-ўқитувчиларнинг онлайн дарслари ва ундаги қайд этилган маълумотлар, талабаларнинг фойдаланиш даражалари кузатиб борилмоқда.

Moodle электрон таълим платформаси тизимида 2019-2020 ўқув йилининг баҳорги семестрида ўқув режаларига мувофиқ 31 та бакалаврият (кундузги) таълим йўналиши бўйича 245 та, 7 та магистратура мутахассислиги бўйича 33 та, жами 278 та фан ўқитилиши йўлга қўйилди. Шунингдек, сиртки ҳамда қўшма таълим дастурлари таълим йўналишлари талабалари учун ушбу тизимга фанлар бўйича ўқув ва видеоматериаллар жойлаштирилди. Интернет технологиясини қўллашга асосланган масофавий ўқитиш жаҳон ахборот таълим тармоғига кириш имконини янада кенгайтирмоқда.

Бугунги кунда институтнинг www.namtiq.uz сайти базасида moodle тизими институт серверига ўрнатилган. Ушбу тизимнинг барча соҳналарини қўриб чиқилиб, базани шакллантириш структура бўйича, яъни 6 та факультет, 24 та кафедра, фан ва ўқитувчилар кетма-кетлигида амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунга қадар институтдаги барча дарс берувчи 278 нафар профессор-ўқитувчи ва 4810 нафар талаба базага киритилган.

Институт сайтида таълим йўналишлари ҳамда кафедралар кесимида фанлардан ўқув адабиётлари базаси шакллантирилган. Талабалар

мазкур имкониятдан фойдаланиб, ўзларига керакли адабиётларни қўчириб олиш имкониятига эга.

Айни вақтда талабалар билимини онлайн тест ахборот тизими орқали баҳолаш бўйича 2019-2020 ўқув йилининг баҳорги семестрида ўқитиладиган барча фанлардан тестлар базаси шакллантирилди. Талабаларнинг фанлар доирасида ўзлаштириш даражалари мазкур тизим орқали баҳоланиши кўзда тутилган. Йўналишларнинг ўқув режаларига асосан, белгиланган вақт оралиғида бир қатор фанлардан оралиқ назорат ишлари ўтказилди. Карантин кунларида масъулият, касбга садоқат талабдорлигининг эса танлаган мутахассисликларига қай қаражада қизиқиш ва эътиборларини уларнинг дарсларга фаол онлайн иштирокчида аққол намойён бўлмоқда.

2020 йилнинг май ойига қадар Scopus аналитик тизимига киритилган халқаро нашрларда, Олий аттестация комиссияси (ОАК) этироф этган журналларда ўнлаб мақолалар чоп этилди.

Май ойининг 14-15 кунларида эса институтда "Техник йўналишдаги фанларни чет тилида ўқитишда инновацион ёндашувлар" мавзусида республика миқёсида онлайн илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Бутун дунё халқлари ҳаётига хавф солган COVID-19 коронавирус пандемиясини енгиш учун мамлакатимизда келиб чиқишдан қатъи назар, барча бирлашиб, синов даврини матонат билан мазмунли ўтказмоқда.

Мана шундай кунларда бизнинг таълим муассасамиз профессор-ўқитувчилари масъулиятни ҳис қилиб, ўқув йилини ҳар бир талабага алоҳида эътибор қаратган ҳолда, ўқув ва амалий жараёнлари ҳамда онлайн битирув имтиҳонларини сифатли ўтказиш билан ўз зиммаларидаги вазифаларни сийқидилган бажараётди.

Қадрият

# САХОВАТ СЎРАМАГАНГА БЕРИШДАДИР...



Гулчехра ТЎЛАГАНОВА,  
юрidik фанлари доктори,  
профессор

Юртимизда коронавирус пандемияси тарқалишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар самарали ташкил этилмоқда. Кўза кўринмас ёв билан туну кун курашаётган тиббиёт ходимлари, жараёнларга сафарбар этилган ҳарбийлар, ички ишлар, Миллий гвардия вакиллари ва бошқа кўплаб фидойи инсонларнинг саъй-ҳаракатлари билан беморлар буткул соғайиб, аста-секин оиласи бағрига қайтмоқда.

Бир сўз билан айтганда, синови кунларда барча қўлни-қўлга бериб ҳаракат қилаётган мамлакатимизда пандемия билан курашнинг "ўзбекона модели" яратилди, десак муболага бўлмайди.

Бугун халқимиз қалбида бир-бирига елкадош бўлиш, муҳтожларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, меҳр-саховат, оқибат, ҳиммат каби энг олижаноб туйғуларни янада жўш ураётган бир вақтда "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракатини йўлга қўйиш ташаббуси эл орасида қизгин кутиб олинди.

Саховат ва кўмак тушунчалари қадимдан халқимиз қон-қонига синиб кетган фазилатлардандир. Бу ҳислатлар бегона дилларни бирлаштириб, биродарлик ришталарини мустаҳкамлайди.

Имом Бухорий ҳадисларида Пайғамбаримиз(с.а.в.)нинг ниҳоятда саховатли бўлганликлари ривоят қилинади: "Ра-сулуплоқ соллаллоху алайҳи васаллам одамларнинг энг саховатлиси эдилар. У зотнинг саховатлари Рамазон ойида — ҳар кеча Жаброил алайҳиссалом у зотга Қўр'онни таълим бериш учун хузурларига ташриф буюрадиган пайтларда, айниқса, чўққисига чиқарди. Дарҳақиқат, Аллоҳнинг Расули одамларга яхшилик билан мурувват кўрсатишда шиддат билан эсаётган шомолдан-да учқурроқ эдилар. У зотга ерга ошнинг ҳазиналари, мамлакатларнинг қалитлари топширилган, ғаниматлар ҳалол қилинган эди. Шунингдек, у зотга Ҳижоз, Яман, Шом, Ироқнинг бир қисми, Арабистон ярим ороли фатҳ



этилиб, жуда кўп ғанимат, хирож, закот моллари келтирилган, яқин-йирокдаги подшоҳлар ҳад-ҳисобсиз совға-саломлар юборган эди. Лекин у зот буларни шахсий мулк сифатида ўзлаштирмади. Бирортасини ўз эҳтиёжлари учун ишлатмади. У зот: "Ухуд тоғидек олтиним бўлса, ундан Аллоҳ йўлида сарфлаш учун мўлжалланганидан ташқари биров динорини олиб қолиш мени хурсанд қилмайди", деган эдилар.

Буюк бобокалонимиз Амир Темур эса саховат тўғрисида бундай деган: "Саховат сўрамаганга беришдадир, чунки тилаганидан кейин бериш тиланчилик мукофотидир. Сахий бўлсанг, биров сўрамай ҳадея қил, сўрагандан кейин у сўровчининг ҳаққидир".

Саховат ва кўмак каби фазилатлар миллатимизда азалдан алоҳида эъзозланган. XIX асрнинг иккинчи ярмида ҳозирги Шайховандтоҳур мажмуаси атрофида муборак жума кунлари саховатли инсонлар дошқозонларда паловлар дамлаб, мискинларга улашган. Ночор, камбағалларга устки ва оёқ кийимлар бепул тарқатилган. Уша вақтларда себзорлик тadbirkор Юнусхожи Нодир ҳожи ўғли Юнусобод Оқтепасидаги болгар атрофида ҳар кун тонгда бир неча қозонларда дамланган саховат ошларини тарқатгани тўғрисида ҳам маълумотлар бор.

Бағрикенг халқимизнинг инсонпарварлиги, саховати ва ватанпарварлиги, айниқса, Иккинчи жаҳон уруши йилларида яққол намойён бўлди. Миллионлаб инсонларнинг ёстиғини қуритган мазкур урушнинг дастлабки кунлариданоқ улар мудоффа жамғармасини ташкил этиш ҳаракатида фаол иштирок этди. Жамғармага ишчилар, зиёлилар бир кунлик иш ҳақлари, шабаликларда ишлаб топилган пуллар, фуқароларнинг шахсий жамғармалари, қимматбаҳо бойликлари, давлат заёмлари, буюмлар, озиқ-овқат маҳсулотларини оғринмай топширдилар. Илк кунлардаёқ жамғармага республика аҳолисининг 30 миллион сўм миқдорда пул, облигация ва қимматбаҳо буюмлар тўланди. Ўзбекистон аҳолиси уруш йилларида мудоффа жамғармасига жами 649,9 млн. сўм пул ва 55 кг.га яқин олтин, қумуш ва бошқа қимматбаҳо металллар топширди. Бу жамғарма ҳисобига танк колонналари, авиация эскадрильялари, бронепоездлар қурилиб, фронтга жўнатилди.

Сир эмаски, ўтмишнинг муҳдиси саҳифасига айланган уруш даврида ўзбек халқи чинакам жасорат кўрсатди — бошиб олинган давлатлардан келтирилган минглаб болаларни бағрига олди. 1943 йилнинг охирига келиб, шаҳарларда 4672 бола, қишлоқларда эса 870 бола ўзбек оилалари томонидан тарбияга олинган эди. Уруш арафасида республикада 106 та болалар уйда 12 минг бола тарбияланган бўлса, 1945 йилга келиб,



уларнинг сони 263 тага етиб, улардаги болалар сони 31300 нафар эди. Одамлар ҳатто юртимизга олиб келинган катта ёшдаги миллионлаб инсонларга ҳам турар жой берди. Уларни тўйдиратиш учун ўзининг охириги бўлак нонини ҳам аямасди.

Уруш йилларида Ўзбекистон қишлоқ меҳнатқашлари 4 млн. 148 минг тонна пахта, 82 млн. пуд ғалла, 54067 тонна пилла, 195 минг тонна шולי, 57 минг 444 тонна мева, 36 минг тонна қуруқ мева, 159 минг 300 тонна гўшт, 22 минг 300 тонна жун ва бошқа маҳсулотлар етказиб бериш билан душман устидан қилинган ғалабага муносиб ҳисса қўшган бўлса, немис-фашист оккупантларидан озод қилинган ҳудудларда қишлоқ хўжалигини тиклаш ишлари учун техника ва ишчи кучлари билан ёрдам бериб, ўзининг инсонпарварлиги, ёрдамчи, биродарлик фазилатларини намойён этди.

Энди яқин ўтмишга қайтиб, ўзимизнинг болалик чоғларимизни эслайлик. Утган асрнинг саксонинчи йилларига қадар Тошкент шаҳри ва шаҳар атрофидаги қишлоқларда эшикларга тамбалар қўйилмасди. Қўни-қўшничилик алоқалари шу қадар яқин эдики, "сеники-меники" деган нарсаси бўлмас эди. Соғинган сўт, увитилган қатик, тансиқ таомлар, тандир урушининг дастлабки кунлариданоқ улар мудоффа жамғармасини ташкил этиш ҳаракатида фаол иштирок этди. Жамғармага ишчилар, зиёлилар бир кунлик иш ҳақлари, шабаликларда ишлаб топилган пуллар, фуқароларнинг шахсий жамғармалари, қимматбаҳо бойликлари, давлат заёмлари, буюмлар, озиқ-овқат маҳсулотларини оғринмай топширдилар. Илк кунлардаёқ жамғармага республика аҳолисининг 30 миллион сўм миқдорда пул, облигация ва қимматбаҳо буюмлар тўланди. Ўзбекистон аҳолиси уруш йилларида мудоффа жамғармасига жами 649,9 млн. сўм пул ва 55 кг.га яқин олтин, қумуш ва бошқа қимматбаҳо металллар топширди. Бу жамғарма ҳисобига танк колонналари, авиация эскадрильялари, бронепоездлар қурилиб, фронтга жўнатилди.

Сир эмаски, ўтмишнинг муҳдиси саҳифасига айланган уруш даврида ўзбек халқи чинакам жасорат кўрсатди — бошиб олинган давлатлардан келтирилган минглаб болаларни бағрига олди. 1943 йилнинг охирига келиб, шаҳарларда 4672 бола, қишлоқларда эса 870 бола ўзбек оилалари томонидан тарбияга олинган эди. Уруш арафасида республикада 106 та болалар уйда 12 минг бола тарбияланган бўлса, 1945 йилга келиб,

Инновация

# ЗАМОНАВИЙ ИССИҚХОНАДА ИЛҒОР ТАЖРИБА УСУЛИДА

Дилрабо КУРЯЗОВА,  
журналист

Шовот туманида илғор ва инновацион технологиялар асосида кўплаб иссиқхоналар фаолият юритмоқда. Уларда карантин даврида қатъий белгиланган қоидаларга ва гигиенага амал қилган ҳолда аҳоли дастурхонига арзон, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилмоқда.



Илғор ва инновацион технологиялар асосида четдан олиб келинган 22 минг туپ серҳосил помидор кўчати гидропоника усулида, яъни кокос пўстлогиде парвартиш қилинмоқда. Бу ердаги барча жараён тўлиқ автоматлаштирилган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, оддий усулда етиштирилётган помидор кўчатларидан 2,5-3 килограмм ҳосил олинса, гидропоника усулида ҳосилдорлик 10-12 килограммгача етади. Экинларнинг пишиб етилиши 20-30

кунга қисқариб, ҳосил олиш даври 50-60 кунга узаяди.

Иссиқхонадаги ҳарорат, ўсимликнинг сув ва озуқага талаби чуқур таҳлил орқали аниқланиб, миқдор ва меъёр тажрибали агроном томонидан белгиланади. Турли минераллар билан бойитилган сув томчилатиш усулида ўсимлик илдизига етказилади.

— Бу ерда 1 йилдан буён ишлаб, ойлик маошларимиз ўз вақтида берилмоқда, халқимиз дастурхонига сифатли ва арзон маҳсулотларни етказиб бераётганимиздан хурсандман, ўз ишимдан фахрланаман, — дейди иссиқхона ишчиси Роза Рўзметова.

Айни кунларда иссиқхонада 12 кишининг доимий бандлиги таъминланган. Бу ерда етиштирилган помидор бозорга пешмаше чиқарилмоқда.

## ЎЗБЕКИСТОНДА КОРОНАВИРУС билан КАСАЛЛАНГАН ВА СОҒАЙГАНЛАР БЎЙИЧА МАЪЛУМОТ



Худудлар номи	Касаллик аниқланганлар	Соғайганлар сони ва фоизи	Вафот этганлар
Қорақалпоғистон Республикаси	127	118 93%	
Андижон вилояти	175	163 93%	
Бухоро вилояти	442	440 99%	
Жиззах вилояти	3	3 100%	
Қашқадарё вилояти	6	6 100%	
Навоий вилояти	46	2 4%	
Наманган вилояти	253	219 87%	4
Самарқанд вилояти	291	178 61%	1
Сирдарё вилояти	Барча беморлар Тошкент шаҳрига ўтказилган.		
Сурхондарё вилояти	44	43 100%	1
Фарғона вилояти	158	157 100%	1
Хоразм вилояти	233	230 99%	
Тошкент шаҳри	1161	813 70%	6

Абай Қўнонбоев таваллудининг 175 йиллиги олдида

# МУМТОЗ АДАБИЁТГА ЭҶТИРОМ

## Абайшунослик тарихи ва ривожланиш динамикаси



Ислонжон ЕҚУБОВ,  
Низомий номидаги ТДПУ профессори,  
филология фанлари доктори

Улуғ қозоқ оқини Абай ўз асарларини қоғозга кўчириб, таниш-билишларига тақдим қилар, улар ўз овул-элларига олиб кетиб, турли давраларда ўқиб берав ва халқ уларни тез ёд олар эди. Шу тариқа бу асарлар муаллиф матнига эга бўлишига қарамай, асосан, оғзаки тарзда тарқалди.



Абай ҳаётлик пайтида унинг асарлари ягона жилд остида тўпланиб китобат қилинмади. Шу боис, абайшунослик йўсинидаги изланишлар оқин вафотидан беш йил ўтгач (1909 йилдан эътиборан), Алихон Бекейхонов, Аҳмад Бойтурсунов ва Мирқуб Давлат ўли каби фидойи мухлислар томонидан қўлэмаларни йиғиш, эл оғзидан ёзиб олиш, нашр ишларини амалга ошириш, илк мақолалар ёзишдан бошланди.

Жумладан, Кикетов ва Кўкбой Жонота ўли каби оқинлар кўмағида тўпланган бадий асарлар Алихон Бекейхонов муҳаррирлигида 1909 йили Қозон шаҳрида чоп этилди. Шу йили Санкт-Петербург шаҳрида Абайнинг "Танланган асарлар"и нашрдан чиқди. Мазкур китобдан таржималар билан қўшиб ҳисоблаганда, шoirнинг 140 га яқин шеъри, шунингдек, "Искандар" ва "Маъсуд" дostonлари жой олди. Бинобарин, бу нашр ўзининг ишончлилиги, қадимийлиги ва муқамаллиги билан алоҳида ажралиб туради.

Абайшунослик ҳақида гап кетар экан, албатта, Семейдаги Абай музейи ташкилотчиси Қайом Мухаммадхонов номини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Зотан, ҳозир давлат муҳофазасига олинган бу музейда ўн уч мингдан ортиқ қимматли экспонат сақланади. Олимнинг муҳим хизматларидан яна бири "Абай асарлари текстовлогияси" мавзусида ёзилган илмий тадқиқотидир.

Абайшуносликдаги бундан кейинги ўринни ҳақли равишда Мухтор Аевзов номи туради. У 1940 йилда Абай асарлари икки томлигини нашр қилишга бош-қош бўлди. Мухтор Аевзов шу йили "Абайнинг ҳаёти ва ижоди", 1945 йилда "Абай — қозоқ халқининг улуғ оқини" номли йирик тадқиқотларини, шoir таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан "Абай дийрида ўтказилган тўй" номли очеркни нашр қилдириди. Бундай изланишлар натижаси ўлароқ, "Абай йўли" эпопеяси майдонга

келди. Абай ҳаёти ва фаолияти ҳақида 1954 йилда ҳужжатли фильм ва 1956 йилда диафильм яратилди. Кейинги йилларда абайшуносликка эътибор янада ортиди. Жумладан, 1994 йилда Абай шажарасига бағишланган махсус альбом тайёрланди. 1995 йилда оқиннинг 150 йиллик тўйи ЮНЕСКО доирасида халқаро миқёсда кенг нишонланди. Кейинчалик "Абай қомуси", "Абай асарларининг изоҳли лўғати", "Абай ва Пушкин", "Абай Қўнонбоевнинг педагогик қарашлари" каби кўплаб салмоқли тадқиқотлар юзага келди. Бугунги кунда Қозоннинг мактабларида "Абайшунослик" предмети жорий этилмоқда. Олий таълим муассасаларида Абай меросини ўрганишга алоҳида эътибор берилади. Улуғ қозоқ оқини таваллудининг 175 йиллик юбилейини жорий йилда ЮНЕСКО ва ТУРКСОЙ (Халқаро туркий маданият уюшмаси) ҳамкорлигида кенг тарзда нишонлаш режалаштирилган.

### ОҚИН АСАРЛАРИНИНГ ЖАҶОНШУМУЛ ШУҶРАТИ

Абайнинг асарлари кўплаб тилларга таржима қилинган. Жумладан, 1950 йилда "Искандар" дostonи, 1958 йилда эса "Маъсуд" дostonи Пекин шаҳрида алоҳида китоб ҳолида чоп этилди. Умуман, қозоқ оқинининг 167 та шеъри, учта дostonи ва 45 насрий ҳикмати хитой (хансу) тилига таржима қилиниб, уч жилд ҳолида тўла чоп этилган. Шунингдек, унинг асарлари жуда кўп тилларга таржима қилинган. Таъкидлаш ўринлики, маърифатпарвар қозоқ шoirи кўплаб биткилари ўзбек тилига ҳам маҳорат билан ўғирилган. "Танланган асарлари" уч марта — 1961 ва 1995, 2019 йилларда нашр қилинган. Шубҳасиз, бунда ўзбек мутаржимлари орасида қардош қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ халқларининг ҳам сезимли шoirи сифатида эътибор топган Миртемирнинг номи ва тарихий хизматлари алоҳида эъзозга лойиқдир.

### АДАБИЙ МЕРОСИ

Абай ўн ёшдан бадий ижод билан шуғуллана бошлади. "Туя қуваган ким эди, деб келган эдим" шеърини унинг дастлабки маълум сифатида санаш мумкин. Шундан кейин 1870-1880 йилларда бирин-кетин "Юзи равшан", "Фузулӣ, Шамсий", "Соф, соф, кўнглим", "Шарифа", "Абдалига", "Яхшиликка", "Кенг ялов" каби асарлари юзага келди. 1882 йилда битилган "Қансонларда" асарлари гоёвий-бадий пишиқлиги билан Абай номини кўпчилиққа танитди.

Сирасини айтганда, Абай қирқ ёшга кирганига, бадий ижодни чин маънода ўзига қисмат деб билди. Зотан, бу даврда унинг дунёқараши шаклланиган, нафис санъатнинг халқ онги ва руҳиятига таъсирини чуқур англаган, поэтик маҳорати ортаган эди.

Абай бутун умри давомида қозоқ халқини тинчликка, илм-маърифатга, аҳиллик ва тотувликка қорлаб яшади. Ундан қозоқ халқ маданий мероси ва жаҳон адабиёти хазинасига 200 дан ортиқ шеър, шунингдек, "Искандар", "Маъсуд", "Азим ривояти", "Вадим" деб номла-

нувчи 4 та бебаҳо дoston, 45 та насрий ҳикмат ("қора сўз") мерос бўлиб қолди. Бинобарин, 59 йилгина умр кўрган Абай 10 ёшдан умрининг хоширигача (1855-1904) 49 йил давомида ижодий ишлар билан банд бўлишига қарамай, 40 ёшдан эътиборан, (1885-1904 йиллар оралигида) 19 йил фаол ижод қилган эди.

Абай — маърифатпарвар шoir (оқин), қозоқ ёзма адабиёти ва тилининг асосчиси. донимшанд адиб — "Қора сўз" (насрода битилган) фалсафий шарҳлар муаллифи, ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси, миллий ментал ва илгор дунёвий қарашларни уйғунлаштиришга интилган, қозоқ халқининг XIX асрдаги тарқоқ турмуш тарзини рус ва Оврпоу маданиятига яқинлаштиришга интилган ислохотчи эди.

Абай ўз адабий-эстетик концепциясига содиқ қолгани учун қадим адабий-бадий аъёнларга эргашди. Уз кўшиқларини мақол-матал, нақл-ҳикматлар билан зийнатлади. Ҳатто қаромхўр ноқаслар қошида ҳам инсоф-диённат, уят-андиша, ор-номус, сабр-қаноат ҳақида дадил қўйлайверди. Демак, Абай адабий меросини шoirнинг дунёқараши ва у таянган адабий-эстетик ақидалар билан ҳамбарчас боғлиқлиқда ўрганиш мақсадида мувофиқдир.

Масалан, "Искандар" дostonида македониялик Александр образига мурожаат этилса-да, қозоқ халқининг "Ажралгани бери ер", деган ҳикматида алоҳида уру берилди. Зотан, шoir бу ҳикмати ва тандошлари онг-шуурига сингдиришни кўзлайди. Умуман, "Маъсуд" ва "Искандар" дostonларида Шарқ адабиётининг кучли таъсири ёрқин намоён бўлади.

Дарҳақиқат, Абай мадрасада таҳсил олган йилларидан эътиборан, Марказий Осиё шoirу алломалари Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Хисрав Деҳлавӣ, Абдурахмон Жомӣ, Алишер Навоӣ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Нодира асарларини севиб мутлола қилди ва улар таъсирида халқни маърифатга ундовчи илгор дунёвий гоёлар ифодаланган шеърлар ёза бошлади. Жумладан, шoirнинг Алишер Навоӣ ва Мирзо Бобур шахсияти ва ижодий меросига меҳр-муҳаббати нақадар юксак экани ҳақида тўхталган академик Мухтор Аевзов: "Абай Қўнонбоев ўли Оқилбойга ҳазрат Алишер Навоӣнинг "Сабъи сайёр" дostonи сюжети асосида "Жарроқ" номли асар ёзишни топширган. набираларидан бирининг исмини Бобур қўйган", деб ёзади.

Абай ўзининг "Хикматлар" китобида хунарманду тадбиркор, деҳқону миришкор, маърифатпарвару саховатпеша халқ табиати хос фазилатларини улуғлаб, бундай ёзган эди: "Ўзбек деҳқони елтиштирмаган ўсимликнинг ўзи йўқ, улар ясамаган бўлиб йўқ. Аҳилликда яшайди, адоват қўзғамайди. Таниқли бойлари, билимдон муллагари, хунармандлик ва мўл-кўллик дейсизми, боабадлик дейсизми — ҳаммаси уларда бор".

Абайнинг фикрича, кўнманчилик шароитида яшаб келаётган ва уруғ-уруғларга бўлиниб кетган қозоқ халқи менталитетидаги айрим қусурларни бартараф этмай, ижтимоий ва маданий тараққиётга эри-

шиш мумкин эмас. Бинобарин, улуғ қозоқ маърифатпарвар оқини маърифат ва маданиятни миллий бирдамликка эришиш мақсадида тарғиб этди. Унинг фалсафий мозаикадан таркиб топган "Нақлия сўзлар" туркуми лейтмотивини ҳам ана шу қарашлар ташкил қилади. Носир дидактик йўналиш — гузал инсоний фазилат, яхши хулқи тарбиялаш масалаларига алоҳида аҳамият қаратди. У Чернышевский ва Добролюбов гоёлари билангина чекланмай, Арасту, Сўқрот, Афлотун, ҳатто Гегелнинг фалсафий-дидактик қарашлари билан ҳам яқиндан танишган.

Абайнинг алоҳида-алоҳида ҳикматлардан иборат қирқ бешта насрий асариде маърифий адабиётнинг анъанавий гуманистик пафоси ва эпик баён усули муваффақиятли давом қилдирилди. Шунга қарамайдан, уларнинг ҳажми ҳам, гоёвий-бадий хусусиятлари, хусусан, мазмун қўлами ҳам бир-бирига ўхшамайди. Муҳими шундаки, бу асарларда бадий нафислик, ҳаётий ҳикмат ва халқона донишмандлик узаро туташади. Натижада, ҳикматлар миллий ва умуминсоний миқёс касб этади. Бу туркумдаги асарлар жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилиниб, алоҳида эътибор топиши фикримизнинг ёрқин далилидир.


Абайнинг асарлари ҳам адабиёт асосида мусиқани нотага тушириш анъанаси шаклланимаган эди. Шу боис, оқин шеърлари каби у басталардан халқчил қўйлар ҳам устоз-шоигирлик анъанаси асосида дастлаб ўз қишлоғи, шаҳри ва кейинчалик бутун қозоқ давлатига кенг тарқалди ҳамда бизгача етиб келди.

Абай ўз фарзандларини ҳам адабиёт ва санъат дунёсига олиб кирди. Жумладан, улардан бири — Мағавия отасининг маслаҳати билан "Менграт Қосим", иккинчиси — Оқилбой эса "Қиссаи Юсуф" дostonлари анъанавий сюжети асосида мустақил асарлар ижод қилган.

Улуғ қозоқ шoirининг асарият қисми ҳикмат ва афоризмга айлиниб кетган бой адабий мероси замондош китобхона миллий ва умуминсоний ахлоқий-маърифий гоёлар, гузаллик ҳамда нафосат туйғулари сари етаклайди. Зеро, Абай тарих қилган инсоний фазилатлар, бадиият либосига бурканган бўлиб, уларда ақл-заковат жилвалари, дўстлик, бирдамлик, ҳамжихатлик, бунёдкорлик, самимий ва покиза муҳаббат туйғулари ўз аксини топган.

Бинобарин, XX—XXI асрлар замонавий қозоқ шеъриятининг анъанавий ифода йўсинлари, маъно-мазмун қатламларида кузатилаётган ижодий-услубий изланишларда Абай ижодий мактабининг ҳаётбахш таъсири яққол намоён бўлаётгани кишини беҳад қувонтиради. Шoirнинг ҳаёт шиддати ва умр бевафолиги билан боғлиқ теран маъно-мазмун, маърифий гоёларни улуғловчи, баъзида эса надомат оҳангларига йўрилган шеърлари ўшларни ҳушёрлик, илм-маърифат эгаллашга қорлаш мотивлари билан зийнатлангани, умрининг ҳар лаҳзаси ганимат эканини идрок этишга ўргатиши жиҳатидан ҳам қимматлидир.

Муқаддас қадамжолар



Абдуқаҳҳор ИБРОҶИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси санъат ароби,  
профессор

Ўзбек иморатсозлигининг ўзига хос ва нодир фазилатларидан бири шуки, унда эъзозланаётган туйғу ўзининг такрорланмас ва энг юксак чўққисини топади. Олам олам бўлиб, одам одам бўлиб, ҳали ҳеч бир шoir ва мутафаккир Аҳмад Яссавийдек улкан ва буюк мақбара билан қадрланмаган бўлса керак.

# АҶМАД ЯССАВИЙ МАҚБАРАСИНИНГ СИРИ НИМАДА?

Бу мақбара Амир Темуристон шаҳрида қурилган. Бино лойиҳасини ишлаб чиқишда улуғ саркарданнинг ўзи шахсан иштирок этган. Тамал тошини 1389 йили Амир Темуристон қўйиб берганлиги мақбара деворига ёзиб ҳам қўйилган. Қурилишга Темуристон хукумати девонининг хайрия ишлари бошлиғи Мавлоно Убайдулла Садр бош этиб тайинланган. Қурилиш қисқа муддатда зудлик билан бошлаб юборилган ва 15 йилча давом этган. Бироқ 1405 йили Амир Темуристон тў-

Яссавий мажмуасида жанубга қўзилган тўртбурчак тархли (46,5x65,5м.), пештоқ-гумбазли, жамоатхона ва унинг атрофида гўрхона, масжид, катта ва кичик оқсарой, китобхона, ҳалимхона, қудуқхона ва 2 қаватли хужралар (жами 35 та) жойлашган. Мажмуанинг жануби-ғарб томонидаги ерости чилпахонаси Яссавий даврида пайдо бўлган, кейинги даврларда қайта тузилган. Мажмуа ташқи деворларининг қаддини 1,8-2 метр, унинг олдига девориники 3 метр. Гўрхонага кириш эшиги тесадидаги тошларга мажмуа Амир Темуристон буйруғига биноан бунёд этилгани қайд қилинган. Мажмуанинг бош тарзидаги улкан пештоқ (кенглиги 50 метр, равогиники 18,2 метр)нинг икки ёнига гулдастлар, бурчакларига устунгўшалар ишланган, пештоқ орқали жамоатхонага кирилади, жамоатхона (баландлиги 37,5 метр) катта гумбаз (диаметри 18,2 метр) билан ёпилган. Хона ўртасига қирқ қулқли назр-ниёз қозони ўрнатилган (уста Абдулазиз ибн Шарофиддин иши).

Яссавий мажмуасида жанубга қўзилган тўртбурчак тархли (46,5x65,5м.), пештоқ-гумбазли, жамоатхона ва унинг атрофида гўрхона, масжид, катта ва кичик оқсарой, китобхона, ҳалимхона, қудуқхона ва 2 қаватли хужралар (жами 35 та) жойлашган.

Бу қозон Амир Темуристоннинг 1399 йилнинг 25 июнидаги буйруғи билан Аҳмад Яссавий мақбараси учун махсус ясалган. Қозоннинг баландлиги 158,3 сантиметр, диаметри 243,4 сантиметр, оғирлиги 2 тоннага яқин, 3 минг литр сув сиғайди.

сатдан вафот этиши туфайли мақбара қурилиши охирига етмай қолган.

Бино олдидаги улкан пештоқ ўзбек миллий давлатчилигининг шайбонийлар сулоласининг энг машҳур ва етук вакили Иккинчи Абдуллохон (1583-1598) томонидан тикланган. Бунинг икки сабаби бор. Биринчидан, Туркистон шаҳри ва бутун атрофдаги ерлар Иккинчи Абдуллохон давлатига тегишли бўлган. Иккинчидан, Иккинчи Абдуллохоннинг аждодлари, шу жумладан, боболари, шимолий ўзбеклар давлатининг асосчиси Абдулхайрон Аҳмад Яссавий мақбарасида дафн этилган.

Яссавий мақбараси ҳамма даврларда ўзбек хонларининг диққат марказида бўлиб келган, масалан, XIX асрнинг бошларида Қўқон хони Умархон томонидан Яссавий мажмуаси атрофидаги ҳудуд кўнманчилар босқинидан сақланиш мақсадида гишт девор билан ўралиб, қалъага айлантилган. Яссавий мажмуаси қўлами жиҳатидан уша даврларда бунёд этилган Бибихоним жоме масжиди, Шаҳрисабздаги Оқсарой меъморий мажмуага тенг-лашади. Бироқ учала обида ҳам бизгача тўлиқ сақланиб қолмаган. Яссавий мажмуа эса ҳамон салобатини йўқотмай келаётир.